

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА,  
АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛарНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ОТЛ ва ЎТ” кафедраси**

Ҳайдарбекова М.М., Парниев М.П., Раҳмонова Г.С.

**“Ўлчашлар ноаниклигини баҳолаш”**

Телекоммуникация технологиялари таълим йўналиши  
учун

**ўқув қўлланма**

**Тошкент – 2015**

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>2</b>
<b>1. Ўлчашлар ноаниқлигига доир маълумотлар.....</b>	<b>4</b>
1.1. Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма тафсилоти .....	4
1.2. Ўлчашлар ноаниқлигининг манбалари ва турларининг тафсилоти .....	15
1.3. Ўлчашлар ноаниқлигининг баҳоланишига оид халқаро даражадаги ҳужжатлар таҳлили .....	23
<b>2. Ўлчашларнинг ноаниқлиги тўғрисида ҳисобот тузиш ва ўлчаш хатоликлари билан қиёсий таҳлили.....</b>	<b>37</b>
2.1. Ўлчашларнинг ноаниқлиги тўғрисидаги ҳисоботни тузиш .....	37
2.2. Ўлчаш воситаларини калибрлашдаги ўлчашларнинг ноаниқлигини ахолаш .....	40
2.3. Ўлчашларнинг хатоликлари ва ноаниқликларини баҳолашнинг қиёсий таҳлили.....	44
2.4. Ўлчаш натижаларини ифодалаш шакллари .....	51
2.5. Электр токини вольтметр ва ток шунти ёрдамида ўлчашнинг хатоликларини баҳолаш ва хатоликларини ҳисоблаш .....	54
<b>3. Ўлчашлар ноаниқлигига доир масала ва тестлар тўплами.....</b>	<b>63</b>
3.1. Южори частотали синуссимон	

сигналнинг частотасини улчаш	
ноаниклигини баҳолаш.....	63
3.2. Ўлчашлар ноаниқлигига доир тестлар	
тўплами.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	74

## Кириш

Ўлчаш ноаниқлиги – бу ўлчаш натижаси билан боғлиқ параметр бўлиб, ўлчанаётган катталика асосли равишда қўшиб ёзилиши мумкин бўлган қийматларнинг тарқоқлигини тавсифлайди.

Қийматларнинг тарқоқлигини тавсифловчи, ўлчашлар натижаси билан боғлиқ бўлған параметр сифатида, одатда, кузатувлар натижасининг ўрта квадратик (стандарт) оғишидан фойдаланилади. Ўрта арифметик қийматнинг стандарт оғиши каби ифодаланган, ўлчашлар натижасининг ноаниқлиги катталик (стандарт оғиш)ни баҳолашнинг стандарт ноаниқлиги, деб аталади.

“Ноаниқлик”, ўзининг таърифига кўра, ўлчашлар натижаси аниқлигининг микдорий ўлчами бўлади ва ўлчангандан катталиктининг қиймати, ўлчашлар шароитида, қийматларнинг маълум оралиғида ётади, деб қабул қилишликнинг ишонч даражасини ифодалайди.

Шундай қилиб, ўлчаш ноаниқлиги куйидагиларнинг:

- ўлчангандан кейин ўлчангандан катталик тўғрисида бизнинг билимимизнинг;

- аниқлик нуқтаи назаридан ўлчаш сифатининг;

-катталиқнинг қийматини баҳолашда ўлчашлар натижаси ишончлилигининг миқдорий ўлчами деб, аташ мумкин.

Ўлчаш ноаниқлиги соҳасида “ноаниқлик”, “стандарт ноаниқлик” атамаларидан ташқари, бошқа атамалар ва таърифлардан ҳам фойдаланилган, жумладан:

Йигинди стандарт ноаниқлик – натижа қатор бошқа катталикларнинг қийматларидан олингандаги, хадлар йигиндисининг мусбат квадрат илдизига teng бўлган ўлчашлар натижасининг стандарт ноаниқлиги. Бунда хадлар, ушбу бошқа катталикларнинг ўзгаришига боғлиқ равишда, ўлчаш натижасининг ўзгаришига қараб, бу катталикларнинг вазнийлаштирилган дисперсияси ёки ковариацияси бўлади.

Ноаниқликни А тур бўйича баҳолаш – қатор кузатувларни статистик таҳлил қилиш йўли билан ноаниқликни баҳолаш методи.

Ноаниқликни В тур бўйича баҳолаш – қатор кузатувларни статистик таҳлил қилишдан бошқа усулда ноаниқликни баҳолаш методи.

Кенгайган ноаниқлик: Ўлчашлар натижасининг атрофидаги интервални ифодаловчи катталик; Бу интервал ичida ўлчанадиган катталикка етарли асос билан қўшиб ёзиш мумкин бўлган қийматлар тақсимотининг катта қисми жойлашади, деб таҳмин қилиш мумкин.

Камраш коэффициенти: Кенгайган ноаниқликни олиш учун йиғинди стандарт ноаниқлик күпайтгичи сифатида фойдаланиладиган сонли коэффициент.

Үлчашлар натижаси, одатда, үлчанадиган катталик қийматининг фақат апроксимацияси ёки баҳоси бўлади ва, шундай қилиб у, үлчанадиган катталикнинг баҳоланганди қиймати ноаниқлик қиймати билан ифодаланганди ҳолдагина, тўлиқ бўлади.

Бирор үлчанадиган катталикнинг қийматини ва бунда пайдо бўладиган ноаниқликларини баҳолаш ва ифодалаш жараёнини саккизта босқичга бўлиш мумкин:

**1-Босқич.** Үлчанадиган катталикни тавсифлаш ва унинг (математик) моделини тузиш

**2-Босқич.** Кириш каттаикларининг баҳоланганди қийматларини аниклаш

**3-Босқич.** Стандарт ноаниқликни баҳолаш

**4-Босқич.** Корреляцияларнинг таҳлили

**5-Босқич.** Чиқиш катталигини баҳолашнинг ҳисоби

**6-Босқич.** Тўлиқ стандарт ноаниқлигини баҳолаш

**7-Босқич.** Кенгайтан ноаниқликни баҳолаш

**8-Босқич.** Ноаниқлик тўтрисида ҳисобот тузиш

Ушбу ўқув қўлланмада ноаниқликни баҳолаш ва ифодалашнинг ҳар бир босқичи алоҳида бобларда ёритилган.

# **1. ЎЛЧАШЛАР НОАНИҚЛИГИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

## **1.1. Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма тафсилоти**

Ушбу қўлланма қўйида келтирилган халқаро ташкилотлар томонидан 1993 йилда тайёрланган:

- ВІРМ (Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро бюроси)
- IEC (Халқаро электротехник комиссия)
- IFCC (Клиник химиянинг халқаро федерацияси)
- ISO (Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот)
- IUPAC (Тоза ва амалий химиянинг халқаро иттифоқи)
- OIML (Қонуний метрологиянинг халқаро ташкилоти)

Ўлчаш натижаларининг хатоликларини тақдим этиши ва баҳолаш бўйича халқаро бирлилиқдаги ёндашув масаласи долзарб маъбала ҳисобланади. Ушбу долзарбликни ҳисобга олӣб, Тарози ва ўлчовларнинг халқаро комитети (МКМВ) 1978 йилда ушбу муаммони ўлчов ва тарозиларнинг халқаро бюросига (МВМВ) Миллий метрологик лабораториялари билан биргаликда қараб чиқиш учун топширди.

Ўлчов ва тарозилар халқаро бюросининг ишчи гурухи ўлчашларнинг ноаниқликлари бўйича бажарилган ишлар ҳисоботи асосида INC-1 (1980) “Экспериментал ноаниқликларни ифодалаш” номли тавсияни тайёрлади. Ушбу тавсия Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро комитети томонидан маъқулланди ва тасдиқланди. INC-1 (1980) тавсияларига асосланган “Қўлланма” ўлчашларнинг ноаниқлигини ифодалаш ва баҳолаш қоидаларини ўз ичига олган бўлиб, метрология, стандартлаштириш, калибрлаш ва лабораторияларни аккредитлаш хизматларида фойдаланиш учун мўлжалланган. Ушбу қўлланманинг тамойиллари ўлчашларнинг кенг спектрида фойдаланиш учун мўлжалланган. Маълумки, амалда норматив ҳужжатларда “ўлчашлар ноаниқлиги” тушунчасидан фойдаланилмайди. Уларда “хатолик” ва “хатолик характеристикаси” тушунчалари мавжуд. Шундай қилиб, “Қўлланма” ва мавжуд норматив ҳужжатлар тизими орасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Хусусан, мумкин қадар “хатолик” ва “хатолик тавсифи”, “ўлчанадиган катталиктининг асл (чинакам) қиймати” тушунчаларини фойдаланиш ўрнига қараб уларнинг ўрнига “ноаниқлик” ва “ўлчанадиган катталиктининг баҳоланган қиймати”, ҳамда жатоликларни намоён бўлиш характеристига кўра “тасодифий” ва “мунтазам” деб таснифлашдан “ўлчашларнинг ноаниқликларини

баҳолаш усулига жўра” (А тури – математик статистика усуллари билан ва В тури бўйича – бошқаусуллар билан) деб таснифлашга ўтиш маъқулроқлиги кўрсатилган.

Куйидагилар қўлланманинг мақсади бўлиб ҳисобланади:

- ўлчашларнинг ноаниқликлари тўғрисидаги ҳисботни қандай тузиш тўғрисидаги маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш;

- ўлчаш натижаларини халқаро миқёсда солиштириш асосларини тақдим этиш;

- ўлчашларнинг ноаниқликларини ифодалаш ва баҳолаш учун барча ўлчаш турларига ва ўлчашларда фойдаланиладиган барча маълумот турларига универсал усул тақдим этиш;

2003 йилда давлатлараро стандартлаштириш бўйича Тавсиялар РМГ 43-2001 “Ўлчашларнинг ноаниқликларини ифодалаш бўйича қўлланма”ниң қўлланилиши амалга киритилди. Ушбу тавсиялар ўлчаш натижаларини баҳолаш усуllibарига тааллуқли бўлиб, “Қўлланма”дан фойдаланиш бўйича амалий тавсияларга эга бўлиб, ўлчаш натижаларини хатоликлар ва ўлчашлар ноаниқликларидан фойдаланиб ўлчаш натижаларини тақдимот қилиш шаклларининг мувофиқлигитни кўрсатади. Кўлланма, ўлчашларнинг аниқлик характеристикаларини ўлчаш хатоликларининг кўрсаткичларида эмас,

**балки**                    **ўлчашлар**                    **ноаниқликларининг**  
**кўрсатқичларида** ифодалашни тавсия қилади.  
**Ўлчанадиган** катталиктининг “асл қиймати”  
тушунчаси ўрнига “баҳоланган қиймат” тушунчаси  
**киритилиган.**

**Ўлчашларнинг**                    **ноаниқликлари**  
**концепциясининг** пайдо бўлишининг сабаблари  
**жуда** кўп бўлиб, улар қуидагиларга асосланган:

•**ўлчашларнинг** янги (ноанъанавий) соҳаларининг (психология, социология, медицина ва б.) гайдо бўлиши ва уларда метрологиянинг анъанавий (катталиқ, ўлчов бирлиги, ўлчов, этalon, ўлчаш хатолиги) постулатлари ишламаслиги.

•**янги** илмий йўналишларнинг таъсири (кибернетика, ахборот назарияси, математик статистика ва б.). Уларда ноаниқлик тушунчаси салмоқли роль ўйнайди. Бу худди рисоладагидек ноаниқликни кенг талқин қилиниши билан боғлиқ бўлиб, масалан, ўлчаш натижаси ўлчанаётган катталиктининг қийматини ифодалашига шубҳаланишни билдиради.

•**ўлчанадиган** катталиктининг асл (чинакам) қиймати бўйича хатолик тушунчаси маъносини ийӯкотади, чунки, хаголикни ҳисоблаб бўлмайди.

•**систематик** ва тасодифий хатоликларни алоҳида баҳолаш ва улар учун турли характеристикалардан фойдаланиш (ишонч

чегаралари ва ўрта квадратик четланиш) хатоликларнинг юқори баҳоланишига сабаб бўлади.

• ўлчаш натижаларининг характеристикалари учун умум қабул қилингандан ва қўлланилишида содда бўлған универсал услубиётнинг зарурлиги.

Қўлланмада “ўлчаш хатолиги” тушунчаси ўрнига “ўлчаш ноаниқлиги” тушунчаси киритилган. Бунда ўлчаш ноаниқлиги икки хил маънода талқин қилинади:

• кенг маънода, ўлчаш натижасининг ишончлилигига нисбатан шубҳаланиш сифатида. Масалан, ўлчаш натижаларига барча тузатишлар киритилгандан кейин катталиктининг ўлчанганд қийматининг аниқлигига нисбатан бўлган шубҳа.

• тор маънода, ўлчашлар ноаниқлиги шундай параметр сифатида тушунилайдики, бу параметр ўлчаш натижаси билан боғлиқ бўлиб, қийматларнинг сочилишини характерлаб, уларнинг ўлчанганд катталикка асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши тушунилади.

Ушбу концепцияда ўлчашлар ноаниқлиги айнан тор маънода тушунилади.

Ўлчаш ноаниқлиги – параметр бўлиб, бу параметр ўлчаш натижаси билан боғлиқ ҳолда қийматларнинг дисперсиясини (сочилиши) характерлайди, улар ўлчанадиган катталикка асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши мумкин.

Шунни аниқ тасаввур қилиш керакки, ўлчашларнинг ноаниқлиги бу ноанъанавий тушунчадаги ишонч интервали эмас (берилган ишонччи эҳтимоллигидаги). Эҳтимоллик бу ерда ишонч ўлчовини характерлайди, ҳодисалар частотасини эмас. Ўлчашларнинг ноаниқлиги одатда кўп ташкил этувчиларга эга бўлади. Уларнинг айримлари ўлчашлар қаторлари натижаларининг статистика тақсимотидан баҳоланиши мумкин ва экспериментал стандарт четланишлар (оғишлар) билан баҳоланиши мумкин (СКО – ўрта квадратик четланиш). Бошқа ташкил этувчилар эҳтимолликларнинг тахмин қилинган тақсимотлари билан тажриба ёки бошқа маълумотлар асосида баҳоланади. Улар, ундан ташқари стандарт четланишлар билан характеристланиши мумкин.

Ўлчаш натижаларининг ноаниқлиги ўлчанадиган катталик қийматини аниқ билмасликни ифодалайди. У ҳатто маълум систематик хатоликларга тузатишлар киритилгандан кейин ҳам ўлчанадиган катталиктининг ноаниқликлари оқибатидаги фақат “баҳо” эканлигини ва бу ноаниқликларнинг тасодифий эфектлар ва систематик хатоликларга бўлган натижанинг нотўғри тузатилиши натижасида келиб чиқади.

Ноаниқликнинг икки хилда баҳоланиши киритилган:

• А турдаги баҳолаш – бу ноаниқликтин кузатувлар қаторларини статистик таҳлил йўли билан баҳолаш усулидир;

• В турдаги баҳолаш – кузатувлар қаторини статистик таҳлилдан бошқа усулларда баҳолаш усулидир.

А ва В турларга таснифлашнинг мақсади ноаниқликларнинг ташкил этувчиларини баҳолашнинг иккита турли усулда баҳолашни кўрсатишдир.

А турдаги стандарт ноаниқлик – эҳтимолликнинг зичлик функциясидан олинади.

В турдаги стандарт ноаниқлик – ҳодисанинг рўй беришига бўлган ишончга асосланган эҳтимолиятлар зичлигининг тахмин қилинган функциясидан олинади. Бу эҳтимоллик кўпинча субъектив эҳтимоллик деб номланади. Кўпчилик ҳолларда,  $Y$  ўлчанадиган катталик бевосита ўлчанмайди, балки  $m$  – бошқа ўлчанадиган  $X_1, X_2, \dots, X_m$  кириш катталиклари деб номланган катталикларга функционал боғлиқлик орқали боғлиқдир.

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_m) \quad (1.1)$$

$X$  – чиқитп катталиги боғлиқ бўлган  $X$  кириш катталикларнинг ўзлари ўлчанадиган катталик сифатида қаралади.

Үз навбатида улар бошқа катталикларга тузатма ва системанинг эфектларга бўлган тузатиш коэффициентлари. Бу эса  $f$  мураккаб функционал боғланишига олиб келади ва уларни аниқ ёзиб бўлмайди. Ундан ташқари,  $f$  ни экспериментал аниқлаш мумкин ёки у алгоритм сифатида мавжуд бўлиши ва сонли амалга оширилиши мумкин.

Ўлчанаётган  $Y$  кириш катталигининг баҳосини,  $Y$  сифатида баҳоланган, юқорида келтирилган tenglaniадан  $x_1, x_2, \dots, x_m$  кириш баҳоларидан  $X_1, X_2, \dots, X_m$  катталикларнинг кийматлари учун олинади. Чиқиш баҳоси  $Y$  ўлчаш натижаси ҳисобланаб, қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_m) \quad (1.2)$$

**A** турдаги стандарт ноаниклик  $u_a$  кўпкаррали ўлчашларнинг натижалари бўйича баҳоланади, бунда уни ҳисоблаш учун дастлабки берилганлар бўлиб уларнинг натижалари  $X_{i1}, \dots, X_{in_i}$ , бу ерда  $i=1, \dots, m$ ,  $n_i$  -  $i$ -инчи кириш катталигининг ўлчашлар сони. Кирин катталигининг  $i$ -инчи ягона ўлчанишининг стандарт ноаниклиги  $u_{A,i}$  – қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$u_{A,i} = \sqrt{\frac{1}{n_i - 1} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)}, \quad (1.3)$$

бу ерда  $\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{q=1}^{n_i} x_{iq}$  –  $i$ -инчи кириш катталигининг йўрта арифметигиги.

$i$ -инчи кириш катталигини ўлчашнинг стандарт ноаниқлиги қўйидаги ифодадан аникланади ва бунда натижа йўрта арифметик сифатида аникланади.

$$u_A(x_i) = \sqrt{\frac{1}{n(n-1)} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)}. \quad (1.4)$$

В турдаги стандарт ноаниқлик  $x$  катталикни баҳолаш учун фойдаланилади, у такрорий кузатишлар натижасида олинмаган. У билан боғлиқ бўлган баҳолангандай стандарт ноаниқлик  $u_B(x_i)$  –  $x$  нинг кутилиши мумкин бўлган ўзгарувчанлигига асосланган барча қулай ахборотларга асосланган илмий мулоҳазалар базасида аникланади. Бундай ахборотлар фонди ўзичига қўйидагиларни олади:

- дастлабки ўлчашларга доир берилганлар;

• тажрибалар натижасида олинган маълумотлар ёки мос келувчи материал ва асбобларнинг хулқи ва хоссаларига оид маълумотлар;

• тайёрловчининг спецификаси;

• қиёслаш, калибрлаш, асбоб тўғрисида тайёрловчининг маълумотлари, сертификатлар ва шунга ўхшашлар тўғрисида маълумотлар;

• ноаниқликлар.

Масалан, агар калибрлаш тўғрисидаги гувоҳномада масса эталонининг ноаниқлиги 240 мкг га уч стандарт четланишда тенг бўлса, унда масса эталонининг стандарт ноаниқлиги  $240 \text{ мкг} / 3 = 80 \text{ мкг}$  бўлади.

В турдаги ноаниқлик учун субъектив эҳтимоллик назариясининг аппарати қўлланилади: эҳтимоллик ишонч ўлчовини характерлайди, ҳодисалар частотасини эмас. В турдаги ноаниқликни аниқлашда фойдаланиладиган берилганларнинг ноаниқлиги тўғрисида априор маълумотдан кенг фойдаланилади.

В турдаги ноаниқлик берилган бўлиши мумкин, масалан, худди айрим каррали стандарт четланишлар каби, 90, 95 ёки 99 фоиз ишонч даражасига эга бўлган интервал каби. Агар бошқа жеч нарса кўрсатилмаган бўлса, унда ноаниқликни ҳисоблаш учун нормал тақсимотдан фойдаланилган деб тахмин қилиш мумкин. Шунинг

учун стандарт ноаниқликин келтирилган қийматни нормал тақсимот коэффициентига бўлиб аниқлаш мумкин.

Кўпинча,  $X$ -тасир этувчи омил билан боғлиқ бўлган стандарт ноаниқлики баҳолашга тўғри келиб, унинг қиймати берилган  $x-\Delta$ дан  $x+\Delta$ гача чегараларда жойлашган бўлади.  $X$  катталик тўғрисида мавжуд маълумотлар бўйича  $X$ -нинг берилган чегаралар ичидаги бўлиши мумкин бўлган қийматлари учун эҳтимолликнинг айрим априор тақсимотини қабул қилиш керак. Шундан кейин стандарт ноаниқлик  $\Delta$ ни  $k$  коэффициентга бўлиб топилади, ушбу коэффициент қабул қилинган тақсимот функциясига боғлиқ бўлиб:

$$u(x) = \Delta/k \quad (1.5)$$

Бунда нисбатан типик **ходиса** бўлиб ҳисобланади:

- фақат чегаралар маълум бўлиб, уларда  $X$ , яъни  $2\Delta$  қиймат бўлиши мумкин
- $x_{\text{мол}}$  – қиймати ва чегаралари маълум, одатда симметрик, йўл қўйиладиган қийматлар  $\pm\Delta$ ;
- интервал  $(x_{\text{мол}} - \Delta_p)$  маълум бўлиб,  $p$  эҳтимолликнинг берилган қисмини эгаллайди.

Биринчи ҳолда, текис тақсимот тақсимот таҳлил қилинганда  $k$  коэффициентнинг қиймати

**Симметрик чегаралар учун  $\sqrt{3}$  деб қабул қилиниши мумкин.**

Иккинчи ҳолда,  $x_{\text{мол}}$  қиймати маълум бўлган ҳол учун,  $X$  нинг  $x_{\text{мол}}$  яқинида бўлиш эҳтимоллиги  $x_{\text{мол}} \pm \Delta$  чегараси яқинида бўлишдан кўпроқ бўлади. Яъни, эҳтимолликнинг учбурчакли тақсимотини текис (тўғри бурчакли) ва нормал тақсимот орасидаги ўрта деб қабул қилиш мумкин.  $k$ -коэффициентнинг қиймати ушбу ҳолда  $\sqrt{6}$  га teng бўлади.

Учинчи ҳолда, эҳтимолликнинг тақсимоти нормал деб олинади ва  $k$  коэффициентнинг қиймати берилган эҳтимолликка боғлиқ бўлади. Масалан,  $p=0,99$  учун  $k=2,58$ .

Ноаникликни В тури бўйича баҳолаш анъанаий статистик ёндашув рамкасидан ташқарига чиқиш ва зарурий статистик ахборотларни олиш қийинлашган ёки мумкин бўлмаган ҳолларда ноаникликларнинг ташкил этувчилариning қийматини топиш имконини беради.

Жамланган стандарт ноаниқлик тури мавжуд бўлиб, бу ўлчаш натижасининг стандарт ноаниқлигидир. Бунда натижа бошқа катталиклар категорининг қийматларидан олинади. Баҳоланган стандарт четланиш, чиқиш баҳоси ёки ўлчаш натижаси у билан боғлиқ бўлса, жамланган стандарт ноаниқлик дейилади ва  $u_c(y)$  кўринишида белгиланади. Корреляцияланмаган кириш

баҳоланиш учун жамланган стандарт ноаниқлик қуидаги ифодадан аниқланади:

$$u_c(y) = \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 u^2(x_i)}$$

(1.6)

Ушбу ифодадан и ноаниқлик А-тури бўйича ҳам В-тури бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Жамланган стандарт ноаниқлик баҳолангандан стандарт четланишини ифодалайди ва қийматларниң сочилишини характерлайди, улар ўлчанаётган У катталика етарлича асос билан кўшиб ёзиб қўйилиши мумкин. Жамланган ноаниқликнинг ўлчаш натижаларининг ноаниклигини ифодалаш учун фойдаланилиши мумкин бўлиши билан бир қаторда, айрим ҳолларда, масалан савдода ёки ёғлиқ ва хавфсизликка доир ўлчашларда ноаниқликка чегара (ўлчов) берилаш керак. Бу ўлчов чегарасида ўлчанаётган катталикнинг тақсимланадиган қийматларининг катта қисми жойлашган бўлади. Бунинг учун кенгайтирилган ноаниқлик тушунчасидан фойдаланилади.

Кенгайтирилган ноаниқликдан савдодаги, саноатдаги, тартибга солувчи актларда, соғлиқни ва хавфсизликни саклашдаги ўлчаш

натижаларининг ноаниклигини ифодалаш учун ноаниклиникнинг кўшимча ўлчови сифатида фойдаланилади.

Кенгайтирилган ноаниклик  $U$  жамланган стандарттаги ноаникликини  $u_c(y)$  камров коэффициентига  $k$  кўпайтириш орқали олинади:

$$U = k u_c(y) \quad (1.7)$$

Унда ўлчаш натижаси  $Y = y \pm U$  ифодаланади. Бу,  $Y$  катталикка қўшиб ёзиладиган қийматнинг афзалроқ баҳоси бўлиб у ҳисобланишини билдиради.  $y - Y$  дан  $y + Y$  гача бўлган интервал кутилганидек, қийматлар тақсимотининг кўп қисмига эга бўлиб, уларни ҳеч иккиланмасдан  $Y$ га қўшиб ёзиш кўйиш мумкин.

**Ишонч** оралиги (ингервал) ва ишонч даражаси (эжтимоллик) тушунчалари статистикада интервалга куйидаги шартда қўлланилади: агар, ноаниклиникнинг барча ташкил этувчилири А турдаги баҳоланишдан олинган бўлса, яъни, кузатилишларнинг натижаларига статистик ишлов берилдган бўлса.

Ушбу концепцияда “интервал” сўзини модификациялаш учун “ишонч” сўзи,  $U$  орқали аниқлашадиган интервалга ҳавола қилинганда исплатилмайди. “Ишончили даражা” атамаси ҳам исплатилмайди, унинг ўрнига “ишонч даражаси”

атамасини ишлатиш афзалроқ ҳисобланади.  $U$  интервал, ўлчаш натижалари доирасида, берилған деб қаралади  $\omega$  ва эҳтимоллик  $p$  тақсимотининг кўпроқ қисмига эга бўлиб, натижа билан ҳамда унинг тўлиқ стандарт ноаниклиги билан характерланади. Шундай қилиб,  $p$  берилған интервал учун “эҳтимоллик қамрови” ёки “ишонч даражаси” бўлиб ҳисобланади.

Имкони бўлганда  $U$  интервал билан боғлиқ бўлган  $p$  ишонч даражаси кўрсатилиши ва баҳоланиш лозим,  $u_c(y)$  ни ўзгармас катталикка кўпайтириш хеч қандай натижа бермаса ҳам, мавжуд бўлган маълумотни янги кўринишда ифодалайди. Шуни тан олиш керакки,  $p$  ишонч даражаси  $y$  ва  $u_c(y)$  ларнинг эҳтимоллик чегарасининг чегараланганлиги ҳолда,  $u_c(y)$  ни ўзининг ноаниклиги туфайли, ноаниқ бўлиб қолади. Қамров коэффициентининг  $k$  қиймати  $y-U$  дан  $y+U$  гача интервал талаб қиласидиган ишонч даражаси билан аниқланади, одатда,  $2$ дан Згача бўлган қийматларга эга бўлади. Ушбу коэффициент Бу диапазон чегарасидан ташқарига ҳам чиқиши мумкин. Амплитуда  $k$  коэффициент билан берилған ишонч даражаси **Билан боғлиқлигини амалга ошириш жуда қийин.** Лекин, эҳтимолликларнинг тақсимоти нормал тақсимотга яқин бўлса, унда  $k=2$  деб қабул қилиниши 95% га тенг бўлган ишонч даражали интервални беради,  $k=3$  бўлганда ишонч даражаси 99% бўлган

интервални беради деб тахмин қилиш мумкин. Тақсимотни текис деб олингандан қамров коэффициенти 1,65 ва 1,71 қийматларга эга бўлади.

Ўлчаш натижалари ва уларнинг ноаникликтарининг келтирилиши, “кам маълумот бергандан кўра кўпроқ маълумот бериш афзалроқ” тамойилидан келиб чиқади.

Масалан, қўйидагилар келтирилиши зарур:

■ ўлчаш натижалари ва унинг ноаникликтарини экспериментал қузатувлар ва кириш маълумотларини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган усуллар тафсилотини ёзиш;

■ ноаникликтарни барча ташкил этувчиликларини санаб ўтиш ва уларнинг қандай баҳолангандигини кўрсатиш;

■ Берилганлар тахлилини шундай тарзда келтириш керакки, тақдим қилинган ҳисоблашларни осон такрорлаш мумкин бўлиши;

■ тахлилда фойдаланилган барча тузатишлар ва константалар ва уларнинг манбаларини берилиши;

Ноаникликтарни ифодалаш ва баҳолаш муолажаси бўйича қўйидаги тавсияни келтириш мумкин:

1.  $Y$  ўлчанадиган ва  $X_i$  кириш катталиклари орасидаги математик боғлиқликни ифодалаш. Функция  $f$  хар бир катталикни ўз ичига олиши, хусусан тузатма, тузатиш

коэффициентларини, чунки улар ўлчаш натижаларининг ноаниқлигига аҳамиятли бўлган ташкил этувчиларни бериш мумкин.

2. Қатор кузатишларнинг статистик таҳлили ёки бошқа усуллар асосида  $X_i$  кириш катталигининг  $x_i$  баҳоланган қийматини аниқлаш.

3. А ёки В тур бўйича ҳар бир кириш баҳосининг стандарт ноаниқлигини баҳолаш.

4. Ўлчаш натижасини ҳисоблаш, яъни  $Y$  ўлчанадиган катталиктининг у баҳосини  $f$  функционал боғланишдан,  $x_i$  кириш катталикларининг олинган баҳоларидан фойдаланиб ҳисоблаш.

5. Кириш катталиклари билан боғлиқ бўлган стандарт ноаниқликлардан ўлчаш натижаларининг тўлиқ стандарт ноаниқлигини аниқлаш.

6. Зарурый ҳолларда, кенгайтирилған ноаниқликни, тўлиқ стандарт ноаниқликни  $u_c(y)$  қамров коэффициентига кўпайтириб олиш зарур. Одатда, қамров коэффициенти, 2дан Згача диапазонда бўлади. Масалан: интервал яратадиган,  $p$  ишонч даражаси нормал тақсимот йўл қўйганда куйидаги қиймагларга эга бўлади (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал

Турли ишонч даражалари учун қамров  
коэффициентининг қийматлари

$p, \%$  - ишонч даражаси  $k$  - қамров

## коэффициенти

68,27	1
90	1,645
95	1,960
95,45	2
99	2,576
99,73	3

## 1.2. Ўлчашлар ноаниқлигининг манбалари ва турларининг тағсилоти

Ўлчашларнинг ноаниқлигини баҳолашга киришишдан олдин дастлаб, ноаниқликнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган манбаларининг рўйхатини тузиш зарур. Ушбу рўйхатни тузишни оралиқ катталиклардан натижани ҳисоблаш учун фойдаланиладиган асосий ифодадан, яъни ўлчашнинг математик моделидан бошлиш қулайроқ. Ушбу ифодадаги барча параметрлар ўз ноаниқликларига эга бўлиши мумкин ва шунинг учун улар ноаниқликнинг потенциал манбалари бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари ифодага кирмаган бошқа ўлчанадиган катталикнинг қийматини топиш учун фойдаланиладиган ҳамда натижага таъсир кўрсатадиган параметрлар бўлиши мумкин (масалан, экстракция вақти ва

ҳарорат). Ноаниқликтининг яширин манбалари ҳам бўлиши мумкин. Барча бу манбалар рўйхатга киритилган бўлиши керак. Ноаниқликтининг асосий манбалари бўлиб қўйидагилар хисобланади: спецификация, моделлаштириш, усул, ўлчаш воситалари, атроф-муҳит, оператор ва ўлчаш обьекти.

Ноаниқликтининг алоҳида ташкил этувчиларини миждораң тавсифлаш учун уларни алоҳида қараб чиқиши керак. Ноаниқликтининг индивидуал ташкил этувчиларини аниқлаш учун бир нечта умумий усуслар мавжуд.

- кириш катталикларини экспериментал ўзгартириш;
- техник хужжатлардаги маълумотлардан фойдаланиш. Масалан, ўлчаш ва калибрлаш сертификатлари;
- олдинги тажриба в имитацион моделлаштириш тажрибаларидан келиб чиқадиган мулоҳазалардан фойдаланиш;

Қўйида ноаниқликтининг алоҳида ташкил этувчиларини қараб чиқамиз.

1. Ўлчанадиган катталиктининг спецификация ноаниқлиги;

Ўлчанадиган катталиктининг ўлчами ўлчаш обьектига таъсир кўрсатувчи ташқи таъсирларининг параметрларига боғлиқ. Шунинг учун ўлчашга бўлган корректив ёндашув ўлчанадиган

катталиктининг дастлабки тафсилотини  
(спецификациясини) талаб қиласди.

Ўлчанадиган катталиктин тўлик бўлмаган спецификацияси мувофик келадиган ноаникликтининг пайдо бўлишига олиб келади. Маълумки, ўлчашнинг мақсади бўлиб ўлчанадиган катталиктининг (сонли) қийматини аниқлаш ҳисобланади. Ўлчанадиган катталиктининг тафсилоти (спецификацияси) ўз ичига ўлчашларни ўтказиш вақти ва уларни ўтказиш шароитларига доир кўрсатмаларни олади. Ўлчашларни ўтказиш шароитлари, таъсир этувчи катталикларнинг бирлашмаси кўринишпида кўрсатилади, яъни ўлчаш предмети бўлиб ҳисобланмаган, лекин натижага таъсир кўрсатадиган катталиклар кўрсатилади, масалан ўлчаш воситаларининг ҳарорати.

## ҮЛЧАШЛАР НОАНИҚЛИГИНИНГ ТУРЛАРИ



1.1-расм. Үлчашлар ноаниқлигининг турлари

Үлчанадиган катталиктининг ташки таъсир параметрларига боғлиқлиги таъсир функцияси воситасида тавсифланади. Таъсир функцияси экспериментал аникланиши ёки алгоритм сифатида мавжуд бўлиши ва сонли қўлланилиши керак.

Таъсир этувчи катталикларнинг ноадекват аникланиши биргина катталикни турли лабораторияларда ўтказилган ўлчаш натижалари нинг мос келмаслигига олиб келиши

мүмкін. Масалан, ўлчанадиган катталик  $P$ -куват бўлса, қўйидаги ифода билан берилади:

$$P = f(V, R_0, \alpha, t) = \frac{V^2}{R_0 + \alpha(t - t_0)} \quad (1.8)$$

бу ерда:  $V$  – кириш катталиги;

$t_0, R_0, \alpha$  ва  $t$  – таъсир этувчи катталиклар.

$Y$  ўлчанадиган катталик боғлиқ бўлган таъсир этувчи катталикларнинг ўзлари бошқа катталикларга боғлиқ бўлишлари мумкин, тузатма ва тузатиш коэффициентларни систематик эффектларга кўштан ҳолда, бу эса  $f$  функционал боғланишни мураккаблашувига олиб келади; буни эса ҳеч қачон аниқ ёзиб бўлмайди. Шунинг учун, агар таъсир функцияси функционал боғланишни ўлчаш натижасини талаб қилинган аниқликда топиш даражасига моделлаштира олмаса, у ҳолда буни бартараф қилиш учун унга қўшимча кириш катталиклари уланган бўлиши керак. Келтирилган мисолда ўлчаш аниқлигини ошириш учун қўшимча кириш катталиклари керак бўлиши мумкин. Улар резистор бўйича ҳароратни нотекис тақсимланишини, қаршиликнинг бўлиши мумкин бўлган ночизиқлик ҳарорат коэффициенти ва қаршиликнинг атмосфера босимига боғлиқ бўлиб қолишини ҳисобга олиш керак. Амалиётда

ўлчанаётган катталиктининг спецификацияси ўлчашнинг талаб қилинаётган аниқлигига боғлиқ. Ўлчанаётган катталиктин талаб қилинган аниқликка нисбатан етарлича тўлиқ аниқлаш ўлчаш билан боғлиқ бўлган барча амалий мақсадлар учун унинг қиймати ягона бўлиши учун зарур.

## 2. Моделлаштириш каттоликлари.

Инсон гафакурида ўлчаш обьекти тўғрисидаги тасаввур айрим моделлар тарзида асосланади. Моделлар параметрларнинг бирлашмаси бўлиб тавсифланади. Моделлар бўйича аниқланадиган катталиклар реал обьектларнинг жоссаларидан доим фарқ қиласди, чунки модел оригиналнинг абсолют нусхаси бўла олмайди. Ушбу фарқ, ўлчанадиган катталик моделининг ноадекватлигига боғлиқ бўлган ноаниқлик билан ифодаланади. Кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқилган физик назария етарлича яхши моделларни қуриш имконини беради. Бу моделлар турли омилларнинг ўлчаш натижаларига бўлган таъсирини тавсифлайди. Масалан, ҳароратнинг ҳажм ва зичликка бўлган таъсири яхши ўрнатилган.

Ушбу ҳолларда ноаниқлик мавжуд ўзаро нисбатлардан ноаниқликларнинг тарқалиш усуллари ёрдамида хисобланиши ва баҳоланиши мумкин. Бошқа вазиятларда экспериментал маълумотлар билан бирлаштирилган назарий моделлардан фойдаланиш зарур бўлиб қолиши

**мумкин.** Масалан, аналитик ўлчаш натижаси олиниңдиган ҳосиланинг олиниши, ўзининг қанчадир вақтда давом этиши учун алоҳида функцияга боғлиқ бўлса, у ҳолда вақт билан боғлиқ бўлган ноаниқликнинг баҳоланиши талаб қилинши мумкин. Буни реакция ўтиши учун сарфланған вақтни ўзгартириш орқали қилиш мумкин. Моделнинг реал объектга мос келмаслиги ўлчашларгача (априор) моделлаштириш ноаниқлиги деб номланган ноаниқликни келтириб чиқаради.

Моделнинг ўлчаш объектига ноадекватлигининг классик модели бўлиб валнинг диаметрини ўлчаш ҳисобланади. Валнинг кесими айланадан фарқланади, яъни эллипсоид ёки бошқа шаклга эга бўлади. Валнинг диаметрини турли йўналишларда ўлчаш турлича натижаларни беради. **Бу** натижалар тадқиқ қилинаётган ўлчаш объектининг ноаниқлиги мавжуд эканлигини билдиради. Моделнинг мураккаблиги ва унинг реал объектга адекватлик даражаси қуидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- ўлчаш объектининг хоссалари ва тури;
- ўлчашнинг мақсади ва талаб қилинган аниқлик;
- объект тўғрисидаги маълумот, ўлчашларни бажараётган метрологнинг малакаси.

Моделни яратиш жараёнида парадоксал вазият пайдо бўлади. Изланаётган катталикни

ўлчашни амалга оширишда унинг хоссалари тұғрисида априор маълумотта эга бўлиш зарур бўлиб, улар асосида ўлчаш модели ўрнатилади. Бу хоссалар эса факат объектни экспериментал ўрганиш жараёнида аникланипши (ўлчаниши) мумкин. Шуни таъқидлаш лозимки, ўлчаш натижаларида фарқнинг бўлмаслиги ҳар доим ҳам танланган модельнинг тўгрилигини кафолатламайди. Танланган модельни экспериментал текшириш, тўғри режалаштирилган ўлчашларни бажариш услугиёти кўлланилган ҳолдагина ишончли бўлади.

### 3. Услубий њоаниқликлар.

Ўлчаш усули дейилганда, умумий шаклда тавсифланган ва ўлчашларни бажаришда фойдаланиладиган тадбирларнинг мантиқий кетма-кетлиги тушунилади. Ўлчаш усулининг номукаммаллиги услубий хатоликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг фарқли хусусияти шундаки, улар ўлчанадиган объектнинг математик ва имитацион модельни яратиш йўли билан аникланипши мумкин. Шундай модельни яратиб, унинг параметрлари аниклангандан кейин ўлчашнинг услубий хатолигини, характеристи бўйича систематик бўлган хатоликни баҳолаш мумкин. Услубий хатоликнинг баҳосидан ўлчаш натижасига тузатма сифатида фойдаланиш мумкин. Бартараф килинмаган систематик

хатоликларнинг стандарт четланиш услугий ноаникиликнинг баҳоси ҳисобланади.

Услубий ноаникиларнинг айримларини қараб чиқамиз. Ўлчаш воситасининг ўлчаш обьектига кўрсатадиган таъсирини баҳолашни ички қаршилиги  $R_i$  бўлган кучланиш манбаига кириш қаршилиги  $R_{kip}$  бўлган вольтметрни улаш мисолида тадқиқ қиласиз. Ушбу ҳолда, вольтметрнинг кўрсатиши  $U$  ўлчанадиган электр юритувчи куч  $E$  билан қуидаги муносабат орқали боғланган (ўлчашнинг тўғриланмаган натижаси):

$$U = \frac{R_{kip}}{R_i + R_{kip}} \cdot E \quad (1.9)$$

Ушбу муносабатдан кўриниб турибдики, ўлчашнинг тўғриланган қийматини олиш учун вольтметр кўрсатишини

$$\frac{R_i + R_{kip}}{R_{kip}} \quad (1.10)$$

бўлған тузатиш коэффициентига кўпайтириш керак. Ўлчаш натижаларига ишлов бериш алгоритмининг ноаникиларнинг тафсилотини келтирамиз. Ўлчаш усулига ўрга, ўртаквадратик қийматларни аниқлаш, сонли интеграллаш ёки дифференциаллаш, элементар функциянинг

қийматини қаторларга ёйиш йўли билан ҳисоблаш каби ҳисоблаш амаллари киритилиши мумкин. Ўлчаш натижаларига ишлов бёришнинг танланган алгоритмига боғлиқ ҳолда мувофиқ хатоликлар оғирлаштирувчи бўлиши мумкин. Ушбу хатоликларнинг стандарт четланиши фойдаланилган ишлов бериш алгоритмининг ноаниқлик баҳоси бўлиб ҳисобланади. Рақамларни ташлаб юбориш ва яхлитлаш охирги натижанинг аниқ бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Аппроксимациялаш ва соддалаштиришларда пайдо бўладиган ноаниқликлар услубий ноаниқликларга киради. Бундай ноаниқликларга билвосита ўлчашларнинг ноаниқликлари мансуб бўлиб, ўлчанадиган катталик ва унинг аргументлари орасидаги болганишни соддалаштиришга боғлиқ. Аргументлар бевосита ўлчашлар ёрдамида ўлчанади.

Услубий ноаниқликларга бундан ташқари кузатишлар сони, ўлчаш давомийлиги, усулни ва ўлчаш воситаларини танлаш ноаниқликларини киритиш мумкин.

#### 4. Инструментал ноаниқликлар.

Инструментал ноаниқликлар – бу ўлчаш воситаларининг номукаммаллиги билан боғлиқ бўлған ноаниқликлардир. Ушбу турдаги ноаниқликларга ўлчаш асбобининг иш тамойилидан келиб чиқадиган ноаниқликлар ҳамда ўлчаш воситасини тайёрлаш технологиясининг

**камчилигига асосланган ноаниқликларни киритиш мумкин.**

Ўлчаш воситасининг иш тамойилидан келиб чиқадиган ноаниқликларни қараб чиқамиз. Бу турдаги ноаниқликлар ўлчаш воситасидан фойдаланиш тартибига мос ҳолда статик ва динамик турға бўлинади. Статик ноаниқлик – ўлчанадиган катталиктининг хатолиги бўлиб, унинг ўлчамини ўлчаш вақти давомида ўзгармас деб ҳисоблаш мумкин. Динамик ноаниқлик – бу ноаниқликнинг ташкил этувчиси бўлиб, динамик ўлчашлар давомида статик ноаниқликка қўшимча сифатида пайдо бўлади. Бундай ўлчашларда ўлчанаётган катталиктининг ўлчамини ўзгармас деб ҳисоблаб бўлмайди.

У иккита омил билан аниқланади: ўлчаш воситасининг динамик хоссалари ва ўлчанадиган катталиктин вақт бўйича ўзгариш характеристига кўра. Бу турдаги статик ноаниқлик мисоли бўлиб, ўлчаш воситаси ўзгартириш функциясининг ноаниқлиги ҳисобланади. Масалан: ўзгарувчан ток вольтметрининг частотавий ноаниқликлари. Тез-тез учраб турадиган ва барча рақамли ўлчаш воситаларининг иш тамойилидан келиб чиқадиган ноаниқлик бўлиб аналог-рақамли ўзгартиришдаги узлуксиз катталиктининг квантланиш ноаниқлиги ҳисобланади.

5. Ўлчаш шароитларининг ноаниқликлари.  
Қаралаётган ноаниқлик ўлчаш ноаниқликларини ва

ўрнатилган ҳарорат, намлик, босим, хона тозалиги, магнит ҳамда гравитацион майдонлар, турли нурланишлар, ёруғлик ва бошқаларни ушлаб туришни ўз ичига олади.

Ўлчаш воситаларининг ноаниқликларига ундан ташқари калибровка, кўрсатишлар вариацияси, охирги ўтказилган калибровка ва қиёслаш, сезгирилик поғонаси каби ноаниқликларни киритиш мумкин.

6. Ўлчанаётган объект ноаниқлиги. Ушбу турдаги ноаниқлик таркибига шаклнинг ва геометрик ўлчашлар учун объект сиртигининг мураккаблиги, объект материалининг хоссалари, ўлчамлари ва бошқаларнинг ноаниқликларини киритиш мумкин.

7. Операторнинг ноаниқлиги. Операторнинг ноаниқлиги ёки шахсий ноаниқликлар қўйидаги омилларга асосланган:

- кузатувчи сезги органларининг инерцион хоссалари, масалан, кўрсаткичининг максимал ҳолатларидаги ҳисоблашларда кечикиши;

- кузатувчи жойлашишининг таъсири ва саноқ тизимининг хусусиятлари (параллакс), иккита рақамланган белгилар орасига тушувчи саноқ интерполяциясининг хатолари ва бошқалар;

- ўлчаш воситаларининг кузатишларини пасайтириб ёки кўпайтириб қайд қилиш мумкинлиги;

- усуулни интерпретациялашдаги сезиларли фарқ бўлишининг мумкинлиги;
- сезгирилик диапазонининг чекланганлиги ва сезги органларининг қабул қилиш характеристикарининг ноизиқлилиги;

Операторнинг ноаниқлиги ёки шахсий ноаниқликлар иш тажрибаси, маълумоти, вижданлилиги, чакқонлиги ва бошқалар билан аниқланади.

### **1.3. Ўлчашлар ноаниқлигининг баҳоланишига оид халқаро даражадаги ҳужжатлар таҳлили**

Ўлчашлар ноаниқлигининг баҳолашга бағишланган халқаро ва ҳудудий ҳужжатлардаги маълумотлар таҳлил асосида ўрганилди, жумладан, ноаниқликни тақдим этиш учун ўлчашлар ноаниқлигининг куйидаги турлари мавжудлиги, хусусан, стандарт ноаниқлик (ҳисоблаш усулига кўра А ва В тури), жамланган стандарт ноаниқлик, кенгайган ноаниқлик ва ифодалаш усулига кўра нисбий ноаниқлик. 1.2-расмда ўлчаш ноаниқликларини усуллар ва ифодалаш услубларига кўра классификацияси келтирилган.

—Стандарт ноаниқлик – бевосита ўлчашлар натижаларининг ноаниқлиги бўлиб, ўрта квадратик четланиш орқали ифодаланади.

–А турдаги стандарт ноаниқлик – ушбу ноаниқлик күгі маротабали ўлчашларнинг натижаларини статистик усуллар асосида ҳисобланиб аниқланади.


–В турдаги ноаниқлик бирон-бир априор маълумотлардан фойдаланиб ҳисобланади. Күйидагилар априор маълумот бўлиши мумкин:

–тenglamaga киритилган катталикларнинг дастлабки ўлчашлардаги берилганлари;

–ўлчаш воситаларини аттестатлаш, калибрлаш ёки қиёслаш бўйича берилганлар;

–маълумотномада берилганлар ва константа ва б.к. ноаниқлиги;

–Жамланган стандарт ноаниқлик ( $U_c$ ) – бу бевосита бўлмаган ўлчашлар натижаларининг стандарт ноаниқлиги. У бевосита бўлмаган ўлчаш натижалари дисперсиясининг физик маъносини билдиради ва бошқа физик катталикларнинг (аргументлар) дисперсияси (стандарт ноаниқликларнинг квадратлари) орқали ҳисобланади.



1.2-расм. Ўлчашлар ноаниклигининг  
классификацияси

–Кенгайған ноаниқлик (U) – ушбу катталик интервални аниклайды. Интервал чегарасида бўлган бевосита бўлмаган ўлчашларнинг натижалари етарлича асос билан ўлчангандек катталикка қўшиб ёзиб қўйилиши мумкин. Кенгайған ноаниқлик жамланган ноаниқлик орқали ҳисобланади.

IEC 60359 стандартда бошқа яна ўлчашлар ноаниқлиги билан боғлиқ бўлган тўртта термин кўлланилган: “**асосий инструментал ноаниқлик**”, “**абсолют инструментал ноаниқлик**”, “**ишчи инструментал ноаниқлик**” ва “**ноаниқлик чегараси**”.

Ўлчашлар ноаниқлигини метрологиянинг турли даражадаги ишларида баҳолашда турли халқаро, ҳудудий ташкилотларнинг тавсияларидан фойдаланилади (1.2-жадъал).

Халқаро миқёсда ўлчашлар ноаниқлиги “**Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма GUM**” асосида баҳоланади. Ҳудудий ташкилотларнинг ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш бўйича талаблари GUM қўлланмага асосланади.

Кўлланма ва тавсиялар	
халқаро даражада	худуд даражасида
GUM, ISO/IEC 17025, ISO 10012, ILAC-G17	EA-04/02, EA-04/16, EURACHEM/CITAC Guide QUAM-P1, РМГ 43

ISO/IEC 17025 стандартининг 5.4.6 пунктида аккредитланган синаш лабораторияларида ўлчашларнинг ноаниклигини ўлчаш воситаларининг мувофиқлик сертификати ёки калибрлаш баённомасида кўрсатилиши талаб қилинади. ILAC-G17 хужжа тўлчашлар ноаниклиги концепцияси синашларда ISO/IEC 17025 стандарти талаблари асосида кўлланилишининг тафсилотига бағишлиган. ISO 10012 халқаро стандартларга мувофик ўлчашлар ноаниклиги ўлчашнинг ҳар бир жараёни учун баҳоланиши керак.

Калибрлаш лабораторияларида ўлчашлар ноаниклигини баҳолаш масалалари EA-04/02 хужжатда регламентланган бўлиб, ушбу хужжат GUM талаблари асосида ишлаб чиқилган. Хужжат, кириш катталиклари билан, масштабли коэффициентлар билан, эффектив эркинлик

даражалари билан бөглиқ бўлган корреляцияланган ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш бўйича конкрет мисоллар келтирилган.

EA-04/16 қўлланма ушбу ҳудудий ташкилот томонидан аккредитланган лабораторияларда ўлчашлар ноаниқлигини аниқлаш ва баҳолаш масалаларига бағишланган.

Аналитик лабораторияларни аккредитлаш бўйича Европагашкилоти EURACHEM/CITAC Guide QUAM-P1 қўлланмаси ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш бўйича тўртта босқични ўз ичига олган:

- ўлчанаётган қатталик тафсилоти;
- ноаниқлик манбаларини аниқлаш;
- ноаниқликни ташкил этувчиларининг микдорий ҳисоблари;
- умумий ноаниқликни аниқлаш

РМГ-43 (давлатлараро тавсиялари GUM қўлланмани қўллаш бўйича кенг тарқалган бўлиб, унинг асосий масалалари бўлиб:

–GUM қўлланманинг асосий талабларини ва тавсияларини ифодалаш ҳамда амалий жиҳатдан қўллаш;

–ўлчашлар аниқлигини баён қилинишидаги иккита ёндашувнинг қиёсий таҳлили;

–метрология бўйича асос норматив ҳужжатлар ва GUM қўлланмада фойдаланилган ўлчаш натижаларининг ифодаланишининг ўзаро мувофиқлигини намойиш қилиш.

Күйида “Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича кўлланма” (“Қўлланма”) таҳлилини келтирамиз. Қўлланма қўйида келтирилган халқаро ташкилотлар томонидан 1993 йилда тайёрланган:

–BIPM (Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро бюроси)

–IEC (Халқаро электротехник комиссия)

–IFCC (Клиник химиянинг халқаро федерацияси)

–ISO (Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот)

–IUPAC (Тоза ва амалий химиянинг халқаро иттифоки)

–OIML (Қонуний метрологиянинг халқаро ташкилоти)

Ўлчаш натижаларининг хатоликларини тақдим этиш ва баҳолаш бўйича халқаро бирлилиқдаги ёндашув масаласи долзарб масала ҳисобланади. Ушбу долзарбликни ҳисобга олиб, ўлчов ва тарозиларнинг халқаро комитети (МКМВ) 1978 йилда ушбу муаммони ўлчов ва тарозиларнинг халқаро бюросига (МВМВ) Миллий метрологик лабораториялари билан биргаликда ўрганиб чиқиши учун топширди.

Ўлчов ва тарозилар халқаро бюросининг ишчи гуруҳи ўлчашларнинг ноаниқликлари бўйича бажарилган ишлар ҳисботи асосида INC-1 (1980) “Экспериментал ноаниқликларни ифодалаш”

номли тавсияни тайёрлади. Ушбу тавсия Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро комитети томонидан маъқулланди ва тасдиқланди. INC-1 (1980) тавсияларига асосланган “Қўлланма” ўлчашларнинг ноаниклигини ифодалаш ва баҳолаш қоидаларини ўз ичига олган бўлиб, метрология, стандартлаштириш, калибрлаш ва лабораторияларни аккредитлаш хизматларида фойдаланиш учун мўлжалланган. Ушбу қўлланманинг тамойиллари ўлчашларнинг кенг спектрида фойдаланиш учун мўлжалланган. Маълумки, амалда норматив ҳужжатларда “ўлчашлар ноаниклиги” тушунчасидан фойдаланилмайди. Уларда “хатолик” ва “хатолик характеристикаси” тушунчалари мавжуд. Шундай килиб, “Қўлланма” ва мавжуд норматив ҳужжатлар тизими орасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Хусусан, “Қўлланма”да мумкин қадар “хатолик” ва “хатолик тавсифи”, “ўлчанадиган катталиknинг асл (чинакам) қиймати” тушунчаларини фойдаланиш ўрнига қараб уларнинг ўрнига “ноаниклик” ва “ўлчанадиган катталиknинг баҳолangan қиймати”, ҳамда хатоликларни намоён бўлиш характеристига кўра “тасодифий” ва “мунтазам” деб таснифлашдан “ўлчашларнинг ноаникликларини баҳолаш усулига кўра” (А тури – математик статистика усувлари билан ва В тури бўйича – бошқа усувлар билан)

деб таснифлашга ўтиш маъқулроқлиги кўрсатилган.

Қўйидагилар Кўлланманинг мақсади бўлиб ҳисобланади:

—ўлчашларнинг ноаниқликлари тўғрисидаги ҳисоботни қандай тузиш тўғрисидаги маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш;

—ўлчаш натижаларини халқаро миқёсда солиштириш асосларини тақдим этиш;

—ўлчашларнинг ноаниқликларини ифодалаш ва баҳолаш учун барча ўлчаш турларига ва Ўлчашларда фойдаланиладиган барча маълумот турларига универсал усул тақдим этиш;

2003 йилда давлатлараро стандартлаштириш бўйича Тавсиялар РМГ 43-2001 “Ўлчашларнинг ноаниқликларини ифодалаш” бўйича қўлланма”нинг қўлланилиши амалга киритилди. Ушбу тавсиялар ўлчаш натижаларини баҳолаш усулларига тааллуқли бўлиб, “Қўлланма”дан фойдаланиш бўйича амалий тавсияларга эга бўлиб, ўлчаш натижаларини хатоликлар ва ўлчашлар ноаниқликларидан фойдаланиб ўлчаш натижаларини тақдимот килиш шаклларининг мувофиқлигини кўрсатади. Қўлланма, ўлчашларнинг аниқлик характеристикаларини ўлчаш хатоликларининг кўрсаткичларида эмас, балки ўлчашлар ноаниқликларининг кўрсаткичларида ифодалашни тавсия қиласи. Ўлчанадиган катталикнинг “асл қиймати”

тушунчаси ўрнига “баҳоланған қиймат” тушунчаси киритилган.

Үлчашларнинг ноаниклари концепцияси нинг пайдо бўлишининг сабаблари жуда кўп бўлиб, улар қуидагиларга асосланган:

—улчашларнинг янги (ноанъанавий) соҳаларининг (психология, социология, медицина ва б.) пайдо бўлиши ва уларда метрологиянинг анъанавий (катталиж, ўлчов бирлиги, ўлчов, этalon, Үлчаш хатолиги) постулатлари ишламаслиги.

—янги илмий йўналишларнинг таъсири (кибернетика, ахборот назарияси, математик статистика ва б.). Уларда ноаниклик тушунчаси салмоқли роль ўйнайди. Бу худди рисоладагидек ноаникликни кенг талқин қилиниши билан боғлиқ бўлиб, масалан, ўлчаш натижаси ўлчанаётган катталикнинг қийматини ифодалашига шубҳаланишни билдиради.

—ўлчанадиган катталикнинг асл (чинакам) қиймати бўйича хатолик тушунчаси маъносини йўқотади, чунки, хатоликни ҳисоблаб бўлмайди.

—систематик ва тасодифий хатоликларни алоҳида баҳолаш ва улар учун турли характеристикалардан фойдаланиш (ипонч чегаралари ва ўрта квадратик четланиш) хатоликларнинг юқори баҳоланишига сабаб бўлади.

—ўлчаш натижаларининг характеристикалари учун умум қабул қилинган ва қўлланилишида содда бўлган универсал услубиётнинг зарурлиги.

Кўлланмада “ўлчаш хатолиги” тушунчаси ўрнига “ўлчаш ноаниқлиги” тушунчаси киритилган. Бунда ўлчаш ноаниқлиги икки хил маънода талқин қилинади:

—кенг маънода, ўлчаш натижасининг ишончлилигига нисбатан шубҳаланиш сифатида. Масалан, ўлчаш натижаларига барча тузатишлар киритилгандан кейин катталикнинг ўлчанган қийматининг аниқлигига нисбатан бўлган шубҳа.

—тор маънода, ўлчашлар ноаниқлиги шундай параметр сифатида тушунилади, бу параметр ўлчаш натижаси билан боғлиқ бўлиб, қийматларнинг сочилишини характерлаб, уларнинг ўлчанган катталикка асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши тушунилади.

Ушбу концепцияда ўлчашлар ноаниқлиги айнан тор маънода тушунилади.

Умуман олганда, ўлчаш ноаниқлиги – параметр бўлиб, бу параметр ўлчаш натижаси билан боғлиқ ҳолда қийматларнинг дисперсиясини (сочилишини) характерлайди, улар ўлчанадиган катталикка асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши мумкин. Шуни аник тасаввур қилиш керакки, ўлчашларнинг ноаниқлиги бу ноанъанавий тушунчадаги ишонч интервали эмас (берилган ишончи эҳтимоллигига). Эҳтимоллик бу ерда

ишиңч ўлчовини характерлайди, ҳодисалар частотасини эмас. Ўлчашларнинг ноаниклиги одатда кўп ташкил этувчиларга эга бўлади. Уларнинг айримлари ўлчашлар қаторлари натижаларининг статистика тақсимотидан баҳоланиши ва экспериментал стандарт четланишлар билан баҳоланиши мумкин. Бошқа ташкил этувчилар эҳтимолликларнинг тахмин қилинган тақсимотлари билан тажриба ёки бошқа маълумотлар асосида баҳоланади. Улар, ундан ташқари стандарт четланишлар билан характеристерланиши мумкин.

Ўлчаш натижаларининг ноаниклиги ўлчанадиган катталик қийматини аниқ билмасликни ифодалайди. У ҳатто маълум систематик хатоликларга тузатишлар киритилгандан кейин ҳам ўлчанадиган катталикнинг ноаникликлари оқибатидаги фақат “баҳо” эканлигини ва бу ноаникликларнинг тасодифий эфектлар ва систематик хатоликларга бўлган натижанинг нотўғри тузатилиши натижасида келиб чиқади.

Ноаникликнинг икки хилда баҳоланиши киритилган:

-А турдаги баҳолаш – бу ноаникликни кузатувлар қаторларини статистик таҳлил йўли билан баҳолаш усулидир;

—В турдаги баҳолаш – кузатувлар қаторини статистик таҳлилдан бошқа усулларда баҳолаш усулидир.

А ва В турларга таснифлашнинг мақсади ноаниқликларнинг ташкил этувчиларини баҳолашнинг иккита турли усулда баҳолашни кўрсатишдир.

А турдаги стандарт ноаниқлик – эҳтимолликнинг зичлик функциясидан олинади.

В турдаги стандарт ноаниқлик – ҳодисанинг рўй беришига бўлган ишончга асосланган эҳтимолликлар зичлигининг тахмин қилинган функциясидан олинади. Бу эҳтимоллик кўпинча субъектив эҳтимоллик деб номланади. Кўпчилик ҳолларда,  $Y$  ўлчанадиган катталик бевосита ўлчанмайди, балки  $m$  – бошқа ўлчанадиган  $X_1, X_2, \dots, X_m$  кириш катталиклари деб номланган катталикларга функционал боғлиқлик орқали боғлиқдир.

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_m), \quad (1.11)$$

бу ерда  $Y$  – чиқиш катталиги боғлиқ бўлган  $X$  кириш катталикларнинг ўзлари ўлчанадиган катталик сифатида қаралади.

Ўз навбатида улар бошқа катталикларга тузатма ва системанинг эффектларга бўлган тузатиш коэффициентлари. Бу эса  $f$  мураккаб функционал боғланишига олиб келади ва уларни

аниқ ёзиб бўлмайди. Ундан ташқари,  $f$  ни экспериментал аниқлаш мумкин ёки у алгоритм сифатида мавжуд бўлиши ва сонли амалга оширилиши мумкин.

Ўлчанаётган  $y$  кириш катталигининг баҳосини,  $y$  сифатида баҳоланган, юқорида келтирилган тенгламадан  $x_1, x_2, \dots, x_m$  кириш баҳоларидан  $X_1, X_2, \dots, X_m$  катталикларнинг қийматлари учун олинади. Чиқиш баҳоси у ўлчаш натижаси ҳисобланиб, қуидаги тенглама билан ифодаланади:

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_m). \quad (1.12)$$

А турдаги стандарт ноа нижник  $u_a$  кўпкаррали ўлчашларнинг натижалари бўйича баҳоланади, бунда уни ҳисоблаш учун дастлабки берилганлар бўлиб уларнинг натижалари  $X_{i1}, \dots, X_{in_i}$ , бу ерда  $i=1, \dots, m$ ,  $n_i$  -  $i$ -инчи кириш катталигининг ўлчашлар сони. Кириш катталигининг  $i$ -инчи ягона ўлчанишини нг стандарт ноа нижники  $u_{A,i}$  – қуидаги ифодадан ҳисобланади:

$$u_{A,i} = \sqrt{\frac{1}{n_i - 1} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)}, \quad (1.13)$$

$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{q=1}^{n_i} x_{iq}$  – *i*-инчи кириш катталигининг ўрта арифметиги.

*i*-инчи кириш катталигини ўлчашнинг стандарт ноаниқлиги куйидаги ифодадан аниқланади ва бунда натижка ўрта арифметик сифатида аниқланади.

$$u_A(x_i) = \sqrt{\frac{1}{n(n-1)} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)}. \quad (1.14)$$

В турдаги стандарт ноаниқлик  $x$  катталиктини баҳолаш учун фойдаланилади, у такрорий кузатишлар натижасида олинмаган. У билан боғлиқ Бўлган баҳолангандеги стандарт ноаниқлик  $u_B(x_i)$  –  $x$  нинг кутилиши мумкин бўлган ўзгарувчанлигига асосланган барча кулай ахборотларга асосланган илмий мулоҳазалар базасида аниқланади. Бундай ахборотлар фонди ўз ичига куйидагиларни олади:

- дастлабки ўлчашларга доир берилганлар;
- тажрибалар натижасида олинган маълумотлар ёки мос келувчи материал ва асбобларнинг хулқи ва хоссаларига оид маълумотлар;
- тайёровчининг спецификаси;

–киёслаш, калибрлаш, асбоб тўғрисида тайёрловчининг маълумотлари, сертификатлар ва шунга ўжашашлар тўғрисида маълумотлар;

–ноаникликлар.

В турдаги ноаниклик учун субъектив эҳтимоллик назариясининг аппарати қўлланилади: эҳтимоллик ишонч ўлчовини характерлайди, ҳодисалар частотасини эмас. В турдаги ноаникликни аниклашда фойдаланиладиган берилганларнинг ноаниклиги тўғрисида априор маълумотдан кенг фойдаланилади.

В турдаги ноаниклик берилған бўлиши мумкин, масалан, худди айрим карраги стандарт четланишлар каби, 90, 95 ёки 99 фоиз ишонч даражасига эга бўлган интэрвал каби. Агар бошқа ҳеч нарса кўрсатилмаган бўлса, унда ноаникликни ҳисоблаш учун нормал тақсимотдан фойдаланилган деб тахмин қилиш мумкин. Шунинг учун стандарт ноаникликни келтирилган қийматни нормал тақсимот коэффициентига бўлиб аниклаш мумкин.

Кўпинча,  $X$  таъсир этувчи омил билан боғлиқ бўлган стандарт ноаникликни баҳолашга тўғри келиб, унинг қиймати берилган  $x-\Delta$  дан  $x+\Delta$  гача чегараларда жойлашган бўлади.  $X$  катталик тўғрисида мавжуд маълумотлар бўйича  $X$  нинг берилган чегаралар ичидаги бўлиши мумкин бўлган қийматлари учун эҳтимолликнинг айрим априор тақсимотини қабул қилиш керак. Шундан кейин

стандарт ноаниқлик  $\Delta$  ни  $k$  коэффициентга бўлиб топилади, ушбу коэффициент қабул қилинган тақсимот функциясига боғлиқ бўлиб:

$$u(x) = \Delta/k . \quad (1.15)$$

Бунда қуйидагилар нисбатан типик ҳодиса бўлиб ҳисобланади:

—факат чегаралар маълум бўлиб, уларда  $X$ , яъни  $2\Delta$  қиймат бўлиши мумкин

— $x_{\text{мол}}$  — қиймати ва чегаралари маълум, одатда симметрик, йўл қўйиладиган қийматлар  $\pm\Delta$ ;

—интервал  $(x_{\text{мол}} - \Delta_p)$  маълум бўлиб,  $p$  эҳтимолликнинг берилган қисмини эгаллайди.

Биринчи ҳолда, текис тақсимот тақсимот таҳлил қилинганда  $k$  коэффициентнинг қиймати симметрик чегаралар учун  $\sqrt{3}$  деб қабул қилиниши мумкин.

Иккинчи ҳолда,  $x_{\text{мол}}$  қиймати маълум бўлган ҳол учун,  $X$  нинг  $x_{\text{мол}}$  яқинида бўлиш эҳтимоллиги  $x_{\text{мол}} \pm \Delta$  чегараси яқинида бўлишдан кўпроқ бўлади. Яъни, эҳтимолликнинг учбурчакли тақсимотини текис (тўғрибурчакли) ва нормал тақсимот орасидаги ўрта деб қабул қилиш мумкин.  $K$  коэффициентнинг қиймати ушбу ҳолда  $\sqrt{6}$  га teng бўлади.

Учинчи ҳолда, эҳтимолликнинг тақсимоти нормал деб олинади ва  $k$  коэффициентнинг

қиймати берилган эҳтимолликка боғлиқ бўлади.  
Масалан,  $p=0,99$  учун  $k=2,58$ .

**Ноаниқликни** В тури бўйича баҳолаш анъанавий статистик ёндашув рамкасидан ташқарига чиқиш ва зарурий статистик ахборотларни олиш қийинлашган ёки мумкин бўлмаган ҳолларда ноаниқликларнинг ташкил этувчиларининг қийматини топиш имконини беради.

Жамланган стандарт ноаниқлик тури мавжуд бўлиб, бу ўлчаш натижасининг стандарт ноаниқлигидир. Бунда натижа бошқа катталиклар қаторининг қийматларидан олинади. Баҳоланган стандарт четланиш, чиқиш баҳоси ёки ўлчаш натижаси у билан боғлиқ бўлса, жамланган стандарт ноаниқлик дейилади ва  $u_c(y)$  кўринишда белгиланади. Коrrеляцияланмаган кириш баҳоланиш учун жамланган стандарт ноаниқлик қуидаги ифодада нациланади:

$$u_c(y) = \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 u^2(x_i)} \quad (1.16)$$

Ушбу ифодадан и ноаниқлик А-тури бўйича ҳам В-тури бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Жамланган стандарт ноаниқлик баҳоланган стандарт четланишини ифодалайди ва

кутилганидек, қийматлар тақсимотининг кўп қисмига эга бўлиб, уларни ҳеч иккиланмасдан Уга кўшиб ёзиб қўйиш мумкин.

Ишонч оралиғи (интервал) ва ишонч даражаси (эҳтимоллик) тушунчалари статистикада интервалга қўйидаги шартда қўлланилади: агар, ноаникликтининг барча ташкил этувчилари А турдаги баҳоланишдан олинган бўлса, яъни, кузатишларниң натижаларига статистик ишлов берилган бўлса.

Ушбу концепцияда “интервал” сўзини модификациялаш учун “ишонч” сўзи,  $U$  орқали аникланадиган интервалга ҳавола қилинганда ишлатилмайди. “Ишончли даражা” атамаси ҳам ишлатилмайди, унинг ўрнига “ишонч даражаси” атамасини ишлатиш афзалро~~ж~~ ҳисобланади.  $U$  интервал, ўлгачаш натижалари доирасида, берилган деб қаралади ва эҳтимоллик  $p$  тақсимотининг кўпроқ қисмига эга бўлиб, натижа билан ҳамда унинг тўлиқ стандарт ноаниклиги билан характерланади. Шундай қилиб,  $p$  берилган интервал учун “эҳтимоллик қамрови” ёки “ишонч даражаси” бўлиб ҳисобланади.

$U$  интервал билан баглиқ бўлган  $p$  ишонч даражаси кўрсатилиши ва баҳоланиши лозим,  $u_c(y)$  ни ўзгармас катталикка кўпайтириш ҳеч қандай натижа бермаса ҳам, маъжуд бўлган маълумотни янги кўринишда ифодалайди. Шуни эътиборга олиш керакки,  $p$  ишонч даражаси  $y$  ва  $u_c(y)$  ларнинг

эҳтимоллук чегарасининг чегараланганлиги ҳолда,  $u_c(y)$ ни ўзининг ноаниклиги туфайли, ноаниқ бўлиб қолади. Қамров коэффициентининг  $k$  қиймати  $y-Y$  дан  $y+Y$  гача интервал талаб киладиган ишонч даражаси билан аниқланади, одатда, 2 дан 3 гача бўлган қийматларга эга бўлади. Ушбу коэффициент бу диапазон чегарасидан ташқарига ҳам чиқиши мумкин. Амплитуда  $k$  коэффициент билан берилган ишонч даражаси билан боғлиқлигини амалга ошириш жуда қийин. Лекин, эҳтимолликларнинг тақсимоти нормал тақсимотга яқин бўлса, унда  $k=2$  деб қабул қилиниши 95% га тенг бўлган ишонч даражали интервални беради,  $k=3$  бўлганда ишонч даражаси 99% бўлган интервални беради деб тахмин қилиш мумкин. Тақсимотни текис деб олинганда қамров коэффициенти 1,65 ва 1,71 қийматларга эга бўлади.

Ўлчаш натижалари ва уларнинг ноаниқликларининг келтирилиши, “кам маълумот бергандан кўра кўпроқ маълумот бериш афзалроқ” тамойилидан келиб чиқади.

Масалан, қўйидагилар келтирилиши зарур:  
—ўлчаш натижалари ва унинг ноаниқликларини экспериментал кузатувлар ва кириш маълумотларини хисоблаш учун фойдаланиладиган усуллар тафсилотини ёзиш;

-ноаниқликтинг барча ташкил этувчиликтерини санаб ўтиш ва уларниң қандай баҳоланғанлыгини күрсатиш;

-берилғанлар таҳлилини шундай тарзда көлтириши керакки, тақдим қилинган ҳисоблашларни осон тақрорлаш мүмкін бўлиши;

- таҳлилда фойдаланилган барча тузатишлар ва константалар ва уларниң манбасини берилиши зарур.

## **2. ЎЛЧАШЛАРНИНГ ИОАНИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲИСОБОТ ТУЗИШ ВА ЎЛЧАШ ХАТОЛИКЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Ўлчашларнинг иоаниқлиги түғрисидаги ҳисоботни тузиш**

Телекоммуникациялардаги ўлчашларнинг иоаниқлиги түғрисидаги ҳисоботни қуийдаги түқкизта бўлим кўринишида тузиш тавсия қилинади:

1. Ўлчаш масаласи:  $Y$  ўлчанадиган катталикини қандай аниқлашнинг қуийдагиларни ўз ичига олган қисқа тафсилоти: ўлчаш усули ёки ўлчаш услубиёти; ўлчаш схемаси ёки режаси; фойдаланиладиган қурилмалар; ўлчаш шароитлари.

2. Ўлчаш модели:  $Y$  чиқиш катталиги ва  $X_1, X_2, \dots, X_n$  кириш катталиклари орасидаги математик боғланишларни ифодалаш:

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_n)$$

3. Кириш катталикларининг таҳлили:

## Кириш катталикларини таҳлил қилиш шакли

<b>Кириш катталиги</b> <hr/> <hr/> <hr/>	<b>Ноаникликни баҳолаш тури:</b> <hr/> <b>Тақсимот тури:</b> <hr/> <b>Баҳолашнинг қиймати:</b> <hr/> <b>Стандарт ноаниклик:</b> <hr/>
<p><b>Юқорида санаб ўтилган маълумотларни қаердан ва нима асосда олинганилиги ёки олинган манбаларини кўрсатиш (маълумотнома, сертификат ёки калибрлаш түғрисидаги гувоҳнома, техник шартлар, ўлчаш воситасининг паспорти ва б.) бўйича киска тафсилоти.</b></p>	

4. Кузатишларнинг натижалари: кузатиш натижаларининг рўйхати тақдим этилади, асбобдан бевосита ҳисобланган ва уларнинг статистик характеристикалари; ўрта арифметик қиймат; ўрта квадратик қиймат (стандарт четланиш); стандарт ноаниклик.

5. Корреляциялар: кириш катталиклари уларнинг корреляцияланиши бўйича таҳлил қилинади ва барча корреляцияланувчи кириш

кагтатикларининг корреляция коэффициенти ҳисоблаб чиқилади, бунда уларни ҳисоблаш усуллари кўрсатилади.

6. Сезгирик коэффициентлари: ҳар бир кириши катталиги учун сезгирик коэффициенти олинади ёки хусусий  $dx/dx$ ; ҳосилаларни ҳисоблаш асосида ёки экспериментал олиш усули кўрсатилган ҳолда.

7. Ноаниқлик бюджети: 2.2-жадвалда келтирилган.

8. Кенгайтирилган ноаниқлик: Танланган ишонч даражаси асосида қамров коэффициенти аниқланади ва кенгайтирилган ноаниқлик ҳисобланади.

9. Ўлчашларнинг тўлиқ натижаси:  $Y$  Ўлчанадиган катталикнинг  $y$  баҳоси ва  $U$  кенгайтирилган ноаниқликни  $\hat{Y}=y+U$  кўринишда  $U$  ва  $y$  учун ўлчов бирликларини кўрсатган ҳолда Ўлчашибнинг тўлиқ натижаси тақдим этилади.

2.2-жадва.

Ноаниқлик бюджетини тақдим этиш шакли

Кат- та- лик $x_i$	Кат- та- лик бир- ли- ги	Бахо- лаш қий- мати $x_i$	Ин- тер- вал $\pm \Gamma$	Но- а尼克- лик тири	Эхти- мол- лик- нинг так- сим- лани- ши	Стан- дарт но- а尼克- лик	Эр- кин- дара жаси	Сез- гир- лик коэф- фи- ци- енти $c_i$	Но- аник- лик- нинг хис- саси $u_i(y)$	Фоиз- лар- даги Хис- са, %
$x_1$		$x_1$				$u(x_1)$		$c_1$	$u_1(y)$	
$x_2$		$x_2$				$u(x_2)$		$c_2$	$u_2(y)$	
...		...				...		...	...	
$x_n$		$x_n$				$u(x_n)$		$c_n$	$u_n(y)$	
$Y$		$y$				$u(y)$				

2.2. Ўлчашларнинг ноаниқлигини калибрлашдаги  
ўлчашларнинг ноаниқлигини бахолаш

(калибрланадиган ўлчаш воситаси билан ўлчанган)  $X_c$  қиймат билан солиширилади. Маълумки, калибрлаш жараёнини амалга оширишда ушбу катталиклар орасидаги фарқ аниқланади.

$$\Delta = X_c - X_s .$$

Ушбу ифодадан калибрланадиган ўлчаш воситасининг систематик хатолиги аниқланади. Кейинчалик ушбу айирмадан ўлчаш натижасига тузатиш киритишда фойдаланилади. Ушбу ҳолда калибрлаш ноаниқлигини баҳолаш Днинг ноаниқлигини баҳолаш билан якунланади.

Ноаниқликни баҳолаш процедураси бирлик ўлчамини узагиши учун қўлланиладиган ўлчаш усулига **богтиқдир**. Калибрлапда фойдаланиладиган ўлчаш усуллари кўп сонли бўлиб, қуйидаги калибрлаш ноаниқлигини этalon ўлчов такрорлайдиган катталикни калибрланувчи ўлчаш воситаси билан бевосита ўлчаш усули асосида баҳоланишини келтирамиз.

Ушбу ҳолда тенгламанинг модели:

$$\Delta = (X_c + \Delta_c) - (X_s + \Delta_s)$$

кўринишга эга бўлади.

кучланишнинг ўзгариши); калибрланувчи ўлчаш асбобининг эталон ўлчов параметрларига таъсири, такрорланувчи кўпқийматли ўлчов қийматларининг аниқ ўрнатилмаслиги ва б.к. Санаб ўтилған кириш катталикларига қуидаги ноаникликлар мос келади:

$u(X_c)$  – калибрланувчи ўлчаш асбоби кўрсатишларининг сочилиши билан боғлиқ ноаниклик бўлиб А типи бўйича кўп каррали ўлчашларни бажаришда аниқланади;

$u(A_c)$  – калибрланувчи ўлчаш асбобининг квантланиш ноаниклиги;

$u(X_s)$  – эталон ўлчовнинг калибрлаш ноаниклиги;

$u(A_s)$  – ўлчов қўшимча хатоликларининг ноаниклиги.


Калибрлашнинг жамланган ноаниклиги қуидагига тенг бўлади:

$$u(X) = \sqrt{u^2(X_c) + u^2(A_c) + u^2(X_s) + u^2(A_s)}$$

Калибрлашнинг кенгайган ноаниклиги қуидаги ифодадан аниқланади:

$$U = f_{0,95} \cdot (-1) \cdot \ln \left( n \cdot C_c \right)$$

Бажарилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, умумий ҳолда, ҳар қандай ўлчашлар



**2.2-расм. Үлчаш воситасини калибрлашдаги үлчаштар ноаниқлигини баҳолашнинг базавий алгоритми**

ёндашув учун үмумий бўлган амаллар кетма-  
кетлиги бўлиб қуийидагилар ҳисобланади:

- ўлчаш тенгламаларини тахлил қилиш;
- ўлчаш хатоликлари ва ноаниқликларининг  
барча манбаларини аниқлаш ҳамда уларни  
миқдоран баҳолаш;
- систематик хатоликларни (эфектлар)  
бартараф қилиш учун тузатмалар киритиш.

Ноаниқликларни ҳисоблаш усуллари каби  
хатоликларнинг ҳарактеристикаларини баҳолаш  
усуллари математик статистикадан ўзлаштириб  
олинган, аммо бунда, тасодифий катталикларнинг  
эҳтимолли тақсимот қонунининг турли  
талқинларидан фойдаланилади.

“Кўлланма”да ва мавжуд бўлган норматив  
хужжатларда баён қилинганлардан ташқари  
ноаниқликни ҳисоблаш ва хатолик  
характеристикаларини баҳолаш амалиётида бошқа  
усуллардан ҳам фойдаланилади.

Хатоликларнинг характеристикаси (мавжуд  
бўлган норматив хужжатларга мувофиқ) ва  
ноаниқликлар (“Кўлланма”га мувофиқ ҳолда)ни  
баҳолашдаги мумкин бўлган фарқлар “Электр  
токнинг кучини вольтметр ва ток шунти ёрдамида  
ўлчаш” мисолида келтирилган (3.5 га қаранг).

Иккита ёндашувнинг фарқи, ундан ташқари,  
ноаниқлик ва хатоликлар характеристикаси  
амалиётида эҳтимолликнинг турли

**Ўлчаш натижалари хатоликларининг  
характеристикаларини баҳолаш процедураси**

<b>Хатолик</b>	$\zeta = y - y_{acsl} \Leftrightarrow y = y_{acsl} + \zeta$		
<b>Хатолик модели</b>	$\xi$ – эҳтимолликлар тақсимотининг зичлигига эга бўлган тасодифий катталик $p(x; E, \sigma^2, \dots)$ , $E$ – математик куттилма, $\sigma^2$ – дисперсия		
<b>Хатолик характеристикалари</b>	$S$ – ўртаквадратик четланиш (СКО)	$\theta$ – бартараф этилмаган систематик хатоликнинг чегараси	$\Delta_p$ – ишонч чегаралаши
<b>Хатолик характеристикаларини баҳолаш учун дастлабки маълумотлар</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1 . Тадқиқот объектининг модели.</li> <li>2. Экспериментал берилганлар <math>x_{iq}</math>: <math>q=1, \dots, n_i</math>; <math>I=1, \dots, m</math>.</li> <li>3. Тақсимот қонуни тўғрисидаги маълумотлар.</li> <li>4. Хатоликлар манбалари, уларнинг табиати ва характеристика-ларининг ташкил этувчилари <math>S(x_i)</math>, <math>\theta_i</math>, тўғрисидаги маълумотлар, <math>\theta_i</math> – хатоликнинг структуравий модели</li> <li>5. Стандарт маълумотномада берилганлар ва бошқа маълумотлар</li> </ol>		
2.3-жадвалнинг давоми			


<p><b>Характеристикаларни баҳолаш методлари:</b></p> <p><b>1. Тасодифий хатоликларни</b></p> <p><b>2. Бартараф этилмаган систематик хатоликларни</b></p> <p><b>3. Жамланган хатоликларни</b></p>	$S(x_i) = \sqrt{\frac{1}{n_i - 1} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)^2};$ $S(\bar{x}_i) = \sqrt{\frac{1}{n_i(n_i - 1)} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)^2};$ $S^2 = \sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 S^2(\bar{x}_i), \quad \Delta_p = t_p(f) S_{ref} S$ $\theta(p) = k \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 0_i^2}$ $\Delta_p = \frac{t_p(f_{\text{exp}}) S + \theta(p)}{S + \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 0_i^2}} \sqrt{S^2 + \sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 \frac{0_i^2}{3}};$ <p>бу ерда <math>\theta(p) = K \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 0_i^2}</math>, <math>K = 1.1</math> при <math>p = 0.95</math>.</p> $K = 1.4 \text{ при } p = 0.99; m_{\text{очер}} > 4; S = \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 S^2(\bar{x}_i)}$
<p><b>Хатоликларнинг характеристикаларини тақдим этиш шакллари</b></p>	$\theta(p), S, n$ $\Delta p$
<p><b>Олинган натижаларнинг ингерпретацияси</b></p>	<p>(<math>-\Delta_p, \Delta_p</math>) интервали <math>p</math> эҳтимоллик билан ўлчаш хатоликларига эга бўлиб, бу шунга тенгки, (<math>y - \Delta_p, y + \Delta_p</math>) интервал <math>p</math> эҳтимоллик билан ўлчанадиган катталикнинг асл қийматига эга.</p>

2.4-жадвал

**Үлчашлар ноаниклигини ҳисоблаш процедураси.**

Ноаниклик модели	$\eta$ — эҳтимоллар тақсимотининг зичлигига эга бўлган тасодифий катталиқ $P(x; y, u^2, \dots)$ , $y$ — математик кутилма, $u^2$ — дисперсия.	
Ноаниклик (микдорий ўлчов)	<b>Стандарт <math>U</math></b> <b>Жамланган</b> $u_c = \sqrt{\sum_{i=1}^n u_i^2}$ <b>Кенгайтирилган</b> $U_p = k \cdot u_c$	
Ноаникликни ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар	1. Тадқиқот обьектининг модели 2. Экспериментал берилганлар хіқ... 3. Тақсимот қонунлари тўғрисидаги маълумотлар 4. Ноаникликларнинг манбалари ва ноаникликнинг қийматлари тўғрисидаги маълумотлар 5. Стандарт маълумотномада берилганлар ва бошқа маълумотлар.	
Ноаникликни ҳисоблаш методлари:		
1) Атури бўйича	$u_{A,i} = \sqrt{\frac{\sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)^2}{n_i - 1}}, \quad u_A(x_i) = \sqrt{\frac{\sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)^2}{n_i(n_i - 1)}}$	
2.4-жадвалнинг давоми		

2) В тури бўйича	$u_B = \frac{b_i}{\sqrt{3}}$
3) Кенгайтирилган ноаниқликини	$U_p = U_p(v_{cr}) \cdot u_i, \quad v_{cr} = \frac{u_i^4}{\left( \sum_{i=1}^n \frac{\partial f}{\partial x_i} u(x_i) \right)^2}, \quad u_i = \sqrt{\sum_{i=1}^n \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} u(x_i) \right)^2};$ $u_{0,95} = 2u_c, \quad u_{0,99} = 3u_c$ – нормал қонун учун; $u_{0,95} = 1,65u_c, \quad u_{0,99} = 1,71u_c$ – текис қонун учун.
Ноаниқликини келтириш	$u_c, \quad U_p, \quad k, \quad u_b, \quad v_i$
Олинган натижалар талқини	$(y-U_p, y+U_p)$ интервал $p$ қийматлар тақсимотининг катта қисмига эга бўлиб, улар ўлчанаётган катталика асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши мумкин.



**2.4-расм. Үлчашларнинг ноанықтігіни қисоблашдағы амаллар кетма-кетлиги**

**2.5-жадвал**

**Хатоликларнинг ишонч чегараларини ва  
ўлчашларнинг кенгайтирилган ноаникликларини  
баҳолаш усулиларини қиёслаш**

	$\frac{\theta \bar{x}}{S} < 0,8$	$0,8 \leq \frac{\theta \bar{x}}{S} \leq 0,8$	$\frac{\theta \bar{x}}{S} > 8$
<b>Мавжуд мөйерий хужжатлар</b>	$\Delta_p = t_p(f_{aa}) S,$ $S = \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^2 S^2(\bar{x}_i)}$	$\Delta_p = \frac{t_p(f_{\text{зфф}}) S - \theta(p)}{S + \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^2 \theta_i^2 / 3}} \sqrt{S^2 + \sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^2 \theta_i^2 / 3}$ $\theta(p) = K \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^2 \theta_i^2}$	
		$f_{\text{зфф}} = \frac{\left( \sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^2 S^2(\bar{x}_i) \right)^2 - \frac{2}{m+1} \sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^4 S^4(\bar{x}_i)}{m+1 \sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^4 S^4(\bar{x}_i)}$	

**2.5-жадвалнинг давоми**

бўйича кўлданма

$$U_p = t_p(v_{eff}) \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{df}{dx_i} \right)^2 u^2(x_i)},$$

$$v_{eff} = \frac{u_c^4}{\sum_{i=1}^m u^4(x_i) \left( \frac{df}{dx_i} \right)^4},$$

$$v_i = n_i - 1$$

А тур бўйича ҳисобланган ноаниқликлар учун;

$$v_i = \infty$$

В тур бўйича ҳисобланган ноаниқликлар учун.

Кўплаб амалий ҳоллар учун назарда тутилади:

- тақсимотнинг нормал қонуни:

$$U_{0.95} = 2u_c, U_{0.99} = 3u_c;$$

- тақсимотнинг текис қонуни:

$$U_{0.95} = 1,65u_c, U_{0.99} = 1,71u_c;$$

Систематик ва тасодифий хатоликларга бўлиш бу хатоликларнинг пайдо бўлиши ва намоён бўлиши табиатига жўра ўлчаш эксперименти давомида, бўлининишга асосланган. А тури ва В тури бўйича ҳисобланадиган ноаниқликларни бўлиш эса, уларни ҳисоблаш усулига асосланади.

Хатоликларнинг характеристикасини баҳолаш ва ўлчашларнинг ноаниқликларини ҳисоблаш процедуранини қиёсий таҳлилининг натижалари 2.3 - ва 2.4 -жадвалларда келтирилган.

Тасодифий <b>хатолик</b> -ни характерловчы “Үрта квадратик четланыш”		А тур бўйича ҳисобланган стандарт ноаниқлик
Баргараф этилмаган систематик <b>хатоликни</b> характерловчы “Үрта квадратик четланыш”		В тур бўйича ҳисобланган стандарт ноаниқлик
Жамланган <b>хатоликни</b> характерловчы “Үрта квадратик четланыш”		Жамланган стандарт ноаниқлик
Хатоликнинг ишонч чегаралари		Кенгайтирилган ноаниқлик

**2.5-расм.** Хатоликлар характеристикаларининг ва ўлчашларининг ноаниқликларини баҳоланишини таққослаш

$y$  – ўлчаш натижаси;

$\Delta(p)$  – ўлчаш хатолигининг ишонч чегаралари;

$p$  – ишонч эҳтимолияги.

$y$  – ўлчаш натижаси;

$u_p = \Delta_p / z_p$  – кенгайтирилган ноаниқликнинг баҳоси;

$$u_C = \frac{\Delta_p}{z_p} - \text{жамланган}$$

стандарт ноаниқлик баҳоси;

$z_3$  – нормал тақсимот квантити.

## 2.7-расм. Ўлчаш натижаларини хатоликларининг характеристикалари ва ўлчашларнинг ноаниқлари бўйича тақосланиши

Фақат  $\Delta_p$  ни билган ҳолда  $U_A$  ва  $U_B$  нинг ноаниқлигини алоҳида баҳолаш мумкин бўлмайди.

### 2.5. Электр токини вольтметр ва ток шунти ёрдамида ўлчашнинг хатоликларини баҳолаш ва хатоликларини хисоблаш

Ўлчаш тенгламаси

$$I = f(\mathbf{U}, R) \Rightarrow \frac{V}{R}, \quad (2.1)$$

бу ерда  $I$  – ток кучи,  $V$  – кучланиш,  $R$  – шунт қаршилиги.

Үлчаш натижасини топиш: Күчланишни  $t = (23,00 \pm 0,05)^\circ\text{C}$  ҳароратда үлчаш натижасида  $V_i$  нинг қатор қийматлари милливолтларда  $I=1, \dots, n; n=10;$

$100,68; 100,83; 100,79; 100,64; 100,63; 100,94; 100,60; 100,68; 100,76; 100,65.$

Олинган қийматлар асосида күчланишнинг ўрта қиймати қуидаги ифодадан ҳисобланади:

$$\bar{V} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n V_i = 100,72 \text{ мВ} \quad (2.2)$$

Шунт қаршилигининг унинг калибрланишида  $I = 10\text{A}$  ва  $t = 23,00^\circ\text{C}$  да қуидагига тенг:  $R_0 = 0,010\,088 \text{ Ом}.$

Ифода бўйича ток кучини үлчаш натижаси қуидаги формуладан олинади:

$$I = \frac{\bar{V}}{R_0} = 9,984 \text{ A} \quad (2.3)$$

Үлчаш натижалари хатоликлари манбаларининг таҳлили: СКО  $\bar{V}$  (ўрта квадратик четланиш) хатоликнинг тасодифий ташкил этувчисини күчланишни үлчашда характерлайди ва қуидаги ифодадан ҳисобланади:

$$S\sigma = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (\epsilon_i - \bar{V})^2}{n-1}} = 3,4 \cdot 10^{-2} \text{ мВ}$$

(2.4)

$$S\sigma = 0,034\%$$

Бу ерда ва кейинчалик текстда ҳарф устидаги тильда белгиси хатолик (ноаниклик) характеристикасини билдириб, ушбу характеристика нисбий күринишда көлтирилган.

Вольтметрнинг бартараф қилинмаган систематик хатоликларининг чегаралари уни калибрлашда қуйидаги ифода сифатида аниқланган (хатоликларнинг чегараларининг ифодаларида нөлдан фарқли бўлган турли четланишларида  $\pm$  белгисини тушириб қолдирамиз.

$$\theta_v = 3 \cdot 10^{-4} \cdot V + 0,02 \text{ мВ}$$

Унда  $V=\bar{V}$  бўлганда, қуйидагига эга бўламиз:

$$\theta_v = 5,0 \cdot 10^{-2} \text{ мВ},$$

$$\bar{\theta}_v = 0,050 \text{ \%}.$$

Шунт қаршилиги қийматининг бартараф қилинмаган систематик хатолигининг уни калибрлашда аниқланган қиймати қуидагига тенг:

$$\bar{\theta}_R = 0,070 \%$$

Унда  $R = R_0$  бўлганда, қуидаги олинади:

$$\theta_R = 7 \cdot 10^{-4} \cdot R_0 = 7,1 \cdot 10^{-6} \text{ Ом.}$$
(2.5)

Ҳароратни ўлчаш хатолигига асосланган шунт қаршилиги қийматининг бартараф қилинмаган хатоликнинг систематик ташкил этувчисининг чегаралари қаршиликнинг ҳароратга боғлиқлигини ифодаловчи қуидаги ифодадан топилади:

$$R = R_0 \cdot [1 + \alpha \cdot (t - t_0)],$$
(2.6)

бу ерда  $R_0$  – қаршиликнинг  $t = t_0$  ( $t_0 = 23,00$  °C;  $R_0 = 0,010088$  Ом); ҳароратдаги қиймати.

Ҳароратни ўлчаш хатолигининг чегараси  $\Delta t$  га тенг бўлган ҳолда қаршилик қиймати хатолигининг ташкил этувчисига мос келувчи чегаралар қуидагига тенг:

$$\theta_{R,t} = \alpha \cdot \Delta t \cdot R.$$

Шундай қилиб,  $\Delta t = 0,05$  °С да қуидагига әга бўлинади:

$$\Theta_{R,t} = 3,0 \cdot 10^{-9} \text{ Ом},$$

$$\bar{\theta}_{R,t} = 3,0 \cdot 10^{-9} \text{ \%}.$$

Кейинчалик, хатоликнинг ушбу ташкил этувчинини (бошка ташкил этувчиларга нисбатан кам бўлганлиги сабабли) ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

а) Ўлчаш натижалари хатоликларининг характеристикаларини ҳисоблаш.

Ўлчаш натижаларининг бартараф қилинмаган ташкил этувчиларининг текис тақсимот қонуни уларнинг  $\theta_v$  ва  $\theta_R$ чегаралари ичида деб фараз қилинади. У ҳолда, ток кучини ўлчаш натижасининг бартараф қилинмаган жамланган систематик хатоликларининг СКО (ўрта квадратик четланиши) қуийдаги ифодадан аниқланади:

$$S_\theta = \sqrt{\left(\frac{\partial f}{\partial V}\right)^2 \cdot \frac{\theta_v^2}{3} + \left(\frac{\partial f}{\partial R}\right)^2 \cdot \frac{\theta_R^2}{3}}, \quad (2.7)$$

бүрдада  $\frac{\partial f}{\partial V} = \frac{1}{R}$ ,  $\frac{\partial f}{\partial R} = -\frac{V}{R^2}$  – таъсир коэффициентлари. Шундай килиб, қуидаги олинади:

$$S_\theta = \sqrt{\left(\frac{1}{R}\right)^2 \cdot \frac{\theta_v^2}{3} + \left(\frac{V}{R_0^2}\right)^2 \cdot \frac{\theta_R^2}{3}} = 5,0 \cdot 10^{-3} \text{ А},$$

$$\theta_\theta = 0,050\%.$$

Ток кучини ўлчаш натижаси хатоликларининг жамланган систематик ташкил этувчиликнинг ишонч чегаралари ишонч эҳтимоллиги  $p = 0,095$  бўлганда қуидаги ифодадан аниқланади:

$$\theta(0,95) = 1,1 \sqrt{\left(\frac{1}{R}\right)^2 \theta_v^2 + \left(\frac{V}{R^2}\right)^2 \cdot \theta_R^2} = 9,5 \cdot 10^{-3} \text{ А},$$

$$(2.8)$$

$$\theta_{0,95} = 0,95\%.$$

Ток кучини ўлчаш хатолиги тасодифий ташкил этувчисининг СКО (ўрга квадратик четланиши) қуидаги ифодадан аниқланади:

$$S = \frac{\partial f}{\partial V} \cdot S \xrightarrow{=} 3,4 \cdot 10^{-3} \text{ А},$$

$$(2.9)$$

$$S = 0,034\%.$$

Ток кучини ўлчаш натижаси жамланган хатолигининг СКО (ўрта квадратик четланиши) қуидаги ифодадан ҳисобланади:

$$S_{\Sigma} = \sqrt{S^2 + S_{\theta}^2} = 6,0 \cdot 10^{-3}, \quad 2.10)$$

$$S_{\Sigma} = 0,060\%.$$

Ток кучини ўлчаш натижаси хатолигининг ишонч чегаралари  $p = 0,95$  ишонч эҳтимоллигида ва эффектив эркинлик даражасининг сони  $f_{\text{эфф}} = n - 1 = 9$  бўлганда қуидаги ифодадан ҳисобланади:

$$\Delta_{0,95} = \frac{t_{0,95}(9) \cdot S + \varTheta(0,95)}{S + S_{\theta}} \cdot S_{\Sigma} = 0,012A, \quad 2.10)$$

$$\Delta_{0,95} = 0,12\%.$$

б) Ўлчашларнинг ноаниқлигини ҳисоблаш.

Ноаниқлик манбалари тасодифий характерга эга бўлган стандарт ноаниқлик А тур бўйича ҳисобланади. Ноаниқлик манбалари тасодифий характерга эга бўлган кучланишнинг стандарт ноаниқлиги қуидаги ифодадан аниқланади:

## 1-схема

$$\begin{aligned}
 I &= 9,984 \text{ A}, \\
 S &= 3,4 \cdot 10^{-3} \text{ A}, \\
 \theta(0,95) &= 9,5 \cdot 10^{-3} \text{ A}, \\
 m_{cucm} &= 2, \\
 n &= 10
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 I &= 9,984 \text{ A}, \\
 u_A &= S = 3,4 \cdot 10^{-3} \text{ A}, \\
 u_B &= \frac{\theta(0,95)}{K \cdot \sqrt{3}} = 5,0 \cdot 10^{-3} \text{ A}, \\
 K &= 1,1; p = 0,95 \\
 u_C &= \sqrt{u_A^2 + u_B^2} = 6,0 \cdot 10^{-3} \text{ A}, \\
 v_{eff} &= (n-1) \left[ 1 + \frac{u_B^2}{u_A^2} \right]^2 = 87, \\
 U_p &= t_p(v_{eff}) \cdot u_c = 0,012 \text{ A}
 \end{aligned}$$

Ушбу “Кўлланма”га мос бўлган ўлчаштарнинг ноаниклигини хисоблаш масаласидаги хисоблашлар 1-схемада олинган баҳоларга мос тушади.

## 2-схема

$$I = 9,984 \text{ A}, \\ \Delta_{0,95} = 0,012 \text{ A}, \\ p = 0,95$$

$$I = 9,984 \text{ A}, \\ u_{0,95} = \Delta_{0,95} = 0,012 \text{ A}, \\ z_{0,95} = 2, \\ u_c = \frac{\Delta_{0,95}}{z_{0,95}} = \frac{0,012}{2} = 0,006 \text{ A}.$$

Ушбу масаладаги “Кўлланма”га мос ҳолда хисобланган ўлчаш жоаниқликларининг фарқи ва уларнинг 2-схема бўйича эришилган баҳоланишлари хисоблашлардаги яхлитлаш хатоликларидан камроқ.

### 3. ЎЛЧАШЛАР НОАНИҚЛИГИГА ДОИР МАСАЛА ВА ТЕСТЛАР ТЎПЛАМИ

### **3.1. Юкори частотали синуссимон сигналнинг частотасини улчаш ноаниклигини баҳолаш**

Электрон-хисобли частотометр ЧЗ-63 ёрдамида юкори частотали синуссимон сигналнинг частотаси купкаррали бевосита улчашлар асосида аникланди. Частотометрганинг курсатиши  $f_{ind}$  куйидаги (кГц) кийматларни ташкил этади:

**151348; 151342; 151344; 151346; 151348; 151349;  
151345; 151351;  
151343; 151344; 151359; 151350; 151347; 151348;  
151346; 151352;  
151345; 151349; 151347; 151346.**

Улчанган частотанинг кийматини ва уни улчашнинг ноаниклигининг баҳоланиши талаб этилади.

**1. Улчашлар спецификасини тузамиз:**

**а) Улчаш шароитларининг тахлили:**

- улчашлар лаборатория шароитида  $25^{\circ}\text{C}$  булган хаво ҳароратида утказилган.

б) Улчаш схемасининг таҳлили:

- асбобнинг улчаш вакти – 10 мс;

в) Асбобнинг төхник характеристикасининг таҳлили:

Асбобдан фойдаланишнинг ишчи шароитлари:

- хавонинг ҳарорати -30 дан +50°C;
- синуссимон сигналнинг частотасини улчашнинг нисбий ҳатолиги

$\delta_f$ , куйидаги ифода буйича хисобланган кийматлар чегарасида

$$\delta_f = \pm \left( \delta_0 + \frac{1}{f_{yuv} t_{mc}} \right),$$

бу ерда  $\delta_0$  – ички таянч генераторининг частота буйича  $\pm 5 \cdot 10^{-7}$  дан кам булмаган нисбий ҳатолиги;

$\frac{1}{f_{yuv} t_{mc}}$  – квантланиш ҳатолиги булиб, ифодада  $f_{yuv}$  – улчанадиган частота, Гц;  
 $t_{mc}$  – хисоб вакти, с

- калибрювка ҳарорати 20°C;

**2. Улчаш натижаларидан купол хатоликларни ва хатоларни бартараф киламиз, бунинг учун куйидагиларни хисоблаймиз:**

**- олинганди натижаларнинг урта арифметигини**

$$\bar{f} = \frac{1}{20} \sum_{k=1}^n f_{indk} = 151347,5 \text{ кГц};$$

**- натижаларнинг урта арифметикдан стандарт четланишини**

$$s = \sqrt{\frac{1}{n-1} \sum_{k=1}^n (f_{indk} - \bar{f})^2} = 3,78 \text{ кГц},$$

**- улчаш натижаларини 0,9973 ишонч даражасига мос булган нормал таксимот конунига эга деб хисоблаб ноаниклик интервалини**

$$U=3s = 11,33 \text{ кГц};$$

**- улчаш натижалари учун ушбу интервал чегаралари**

$$f_{min} = 151336,1 \text{ кГц}; \quad f_{max} = 151358,8 \text{ кГц}.$$

**Улчаш натижаларининг 151359 кГц булган энг юкори киймати хисобланган интервал чегарасидан ташкарига чикиб кетганлиги учун улчаш натижалари сонидан четланган хатолик ёки жато сифатида бартараф килинади.**

3. Систематик хатоликлар номаълум булганлиги учун уларни Бартараф кила олмаймиз.

4. Улчаш натижаларининг урта арифметик кийматини хисоблаймиз:

$$f = \frac{1}{19} \sum_{k=1}^{19} f_{\text{неч}} = 151346,8 \text{ кГц}$$

5. Улчаш натижаларининг экспериментал стандарт четланишиларини хисоблаймиз.

$$= 2,69 \text{ кГц};$$

6. Улчаш натижасининг (урта арифметикдан) экспериментал стандарт четланишини хисоблаймиз.

$$s(f) = \sqrt{\frac{s^2}{19}} = 617 \text{ кГц};$$

7. Жамланг ан стандарт ноаникликни В-тур  $U_i$  буйича ташкил этувчиларини баҳолаймиз.

1) Ички таянч генератор частотасининг ноаниклиги асосий нисбий хатолик  $\delta_{y,n}$  ифодаси билан хисобланади ва бунда хатоликлар чегара ичида текис так-симланган деб олинади.  $\delta_0$  - нисбий хатоликнинг чегаралари  $\pm 5 \cdot 10^{-7}$  дан орт-

майди. Ушбу холда абсолют хатоликнинг чегаралари куйидагига тенг булади:

$$\Delta_0 = f \cdot \delta_0 = \pm 5 \cdot 10^{-7} \cdot 151346800 = \pm 76 \text{ Гц}$$

$u_1$  - таянч генератори частотасининг стандарт ноаниклиги:

$$u_1 = |\Delta_0| / \sqrt{3} = 44 \text{ Гц}$$

2)  $u_2$  - квантланиш ноаниклиги, квантланиш хатоликларининг чегараларидан аникланади:

$$\Delta_{\kappa\theta} = \pm \frac{1}{f_{y_{\text{уч}}} t_{x_{\text{ис}}}} f_{y_{\text{уч}}} = \pm \frac{1}{t_{x_{\text{ис}}}} = \pm \frac{1}{10 \text{ мс}} = \pm 100 \text{ Гц}$$

Ушбу ифода буйича

$$u_2 = |\Delta_{\kappa\theta}| / \sqrt{3} = 57,7 \text{ Гц}$$

3)  $u_3$  - таянч генераторининг частотасининг атроф-мухит температурасини  $20^{\circ}\text{C}$  дан ( $t_k$  частотометрни калибрлаш харорати) узгаришига боғлиқ булган ноаниклиги булиб,  $\pm 1 \cdot 10^{-9}$  частотанинг харорат коэффициенти оркали хисобланган ва бунда чегара ичида тенг эҳтимолли таксимот мавжуд деб фараз килинади,

$$u_3 = f_{y_{\text{уч}}} |t_{y_{\text{уч}}} - t_k| k_i / \sqrt{3} = 151346840 (25 - 20) \cdot 10^{-9} / \sqrt{3} = 0,437 \text{ Гц}$$

## 8. Ноаниклик бюджетини тузамиз.

Кириш катта- лиги	Ки-риш катта- лиги-ни бахо- лаш	Стан- дарт но-аник- лик	Но- аник- лик тури	Эхти- мол- лик- лар- нинг таксим- лани- ши	Сез- гир- лик коэф- фи- циен- ти	Но- аник- лик- нинг хисса-си
$f_{\text{уст}}$ частота	151346, 8 кГц	617 Гц	A	Норм.	1	617 Гц
Таянч гене- ратори час- тотаси- нинг нобарка- рорлиги	-	$u_1=44$ Гц	B	Текис	1	44 Гц
Квант- ланиш хато- лиги	-	$u_3=0,44$ Гц	B	Текис	1	0,44 Гц
	151346, 8 кГц					621 Гц

### **3.2. Ўлчашлар ноаниқлигига доир тестлар түплами**

**1.«Ўлчашлардаги ноаниқликларни ифодалаш бўйича Кўлланма» халқаро ҳужжатнинг мақсадлари:**

а) ноаниқликлар тўғрисида ҳисоботни қандай тузиш кераклиги ҳақида дастлабки маълумотни бериш;

б) ўлчашлар натижаларини халқаро солиштиришга асос яратиш;;

в) ноаниқликлар тўғрисида ҳисоботларни қандай тузиш кераклиги тўғрисида тўлик ахборот бериш.

**2.«Ўлчашлардаги ноаниқликларни ифодалаш бўйича Кўлланмия» халқаро ҳужжат француз тилида қачон ишлаб чиқилган?**

а) 1993-йил;

б) 1994-йил;

в) 1978-йил.

**3.Аккредитланган лабораторияларда ноаниқликни баҳолаш бўйича талаблар қайси меъёрий ҳужжатда белгиланган?**

а) O'z Dst 16.4: 2000; EN 45001;

б) EN 45001; ISO/IEC 17025: 1999;

в) ISO/IEC 17025: 1999.

**4.Ўлчаш ноаниқлигини қандай ҳолларда ўлчов деб аташ мумкин:**

а) ўлчангандан кейин ўлчанадиган карталик

тўғрисида, аниқлик нуқтаи назаридан ўлчашлар сифати тўғрисида бизнинг билимимизни;

б) ўлчантандан кейин ўлчанадиган катталик тўғрисида, аниқлик нуқтаи назаридан ўлчашлар сифати; ўлчанадиган катталик қийматининг баҳоси сифатида ўлчашлар натижасининг ишончсизлиги тўғрисида Бизнинг билимимизни;

в) ўлчангандан кейин ўлчанадиган катталик тўғрисида; аниқлик нуқтаи назаридан ўлчашлар сифати тўғрисида; ўлчанадиган катталик қийматининг баҳоси сифатида ўлчашлар натижасининг ишонччилитиги тўғрисида бизнинг билимимиз.

5.Агар номинал узунлиги 1 м бўлган пўлат стерженниг узунлигини аниқлаш талаб этилса ва унинг спецификациясига бу узунлик аниқланадиган шароитдаги температура ва босимни киритиш керак бўлса, қандай даражадаги аниқлик талаб этилади:

- а) микрометр; нанометр;
- б) сантиметр; миллиметр;
- в) микроампера миллиампер.

6.Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолашда операторниг қандай сифат ва хислатлари ноаниқлик манбай бўлиши мумкин:

- а) ўлчаш кучи; иш тажрибаси; ўлчаш воситасини танлаш; маълумоти; виждонийлиги;
- б) параллакс (кўзга қоя кўриниши); кўлининг моҳирлиги;

в) ўлчаш кучи; иш тажрибаси; ўлчаш воситасини танлаш; маълумоти; виждонийлиги; параллакс; қўлларининг моҳирлиги.

7. Кузатувларнинг олтига мустақил қатори натижалари жадвалда келтирилган.

Ўлчанган электр токи	I <sub>1</sub>	I <sub>2</sub>	I <sub>3</sub>	I <sub>4</sub>	I <sub>5</sub>	I <sub>6</sub>
Кузатувлар натижалари, А	6,007	5,994	6,005	5,990	5,999	5,995

Бу кузатувларнинг экспериментал стандарт оғишлари қайси тур бўйича хисобланади:

- а) В тур бўйича;
- б) А тур бўйича;
- в) аниқлаш қийин.

8. Стандарт ноаниклик В тур бўйича баҳоланганда, ахборотлар заҳирасига нима киритилиши мумкин:

а) дастабки ўлчашлар натижаси; тажриба натижасида олинган маълумотлар ёки мос материаллар ва приборларнинг хоссалари тўғрисидаги умумий билимлар; тайёрловчининг спецификацияси (етказиб берувчининг ахбороти);

б) калибрлаш тўғрисидаги гувоҳномаларда ва бошқа сертификатларда келтириладиган маълумотлар; маълумотномалардан олинадиган маълумотларга қўшиб ёзиладиган ноаникликлар ва х. к.;

в) а ва б моддалар тўғри.

9. Ўлчашлар ноаниклиги назариясида қандай

асосий тақсимотлардан фойдаланилади?

а) квадрат, тенг эҳтимолли (текис, тўғри тўртбурчакли); учбурчак (Симпсон); трапецидал; нормал (Гаусс); ва бошқа тақсимотлар;

б) параллел, тенг эҳтимолли(текис,тўғри тўртбурчакли); учбурчак (Гаусс); трапецидал; нормал (Симпсон) тақсимотлари; ва бошқалар ;

в)тенг эҳтимолли (текис, тўғри тўртбурчакли); учбурчак(Симпсон); трапецидал; нормал (Гаусс) тақсимотлари; ва бошқалар.

10. Тасодифий катталиклар (сонлар) нинг тақсимланиш қонунларига кўра, бир хил ярим кенглик  $a$  да қайси тақсимотда энг кўп стандарт ноаниқлик бор бўлади:

а) нормал (Гаусс) тақсимотида;

б) тенг эҳтимолли (текис,тўғри тўртбурчакли)тақсимот ;

в) учбурчак (Симпсон) тақсимоти.

### 11.Тайёрловчининг

спецификациясидамензурка ҳажми  $V$   
 $50,00 \text{ ml} \pm 0,08 \text{ ml}$ , деб кўрсатилган. Бинобарин, интервалнинг ярим кенглигига  $= 0,08 \text{ ml}$ ,  $u(V)$  стандарт ноаниқлик эса қайси тур бўйича аниқланади:

а) В тур бўйича;

б) Атур бўйича; 103

в) Авав тур бўйича.

12. Ноаниқлик тўғрисида ҳеч қандай ахборот берилмаган бўлса, бу ҳолда унинг эҳтимоллиги

қайси қонун бўйича тақсимланган бўлади:

- а)тўғри тўртбурчакли қонун бўйича;
- б) учбурчвилм қонун бўйича;
- в) нормал қонун бўйича.

**13.**Агар катталик тўғрисидаги ахборот интервал чегаралари кўринишида , ёки энг катта (юқори ва қуи) чегаралари, ёки катталикнинг барча қийматлари жойлашган интервал кўринишида берилган бўлса, бу ҳолда унинг эҳтимоллиги қайси қонун бўйича тақсимланган бўлади:

- а)учбурчакли қонун;
- б) нормалқонун;
- в)тўғри тўртбурчакли қонун.

**14.** Кўрилаётган катталик қийматининг интервал марказида жойлашиш эҳтимоли, интервал чегаралари ёнида жойлашиш эҳтимолига кўра кўпроқ ишончлироқ; ёки баҳо эҳтимолликларнинг симметрик тақсимоти қамраган диапазоннинг энг катта ( $\pm a$ ), қийматлари кўринишида олинган бўлса, унинг эҳтимоллиги қайси қонун бўйича тақсимланган бўлади:

- а)учбурчакли қонун;
- б) нормал қонун;
- в)тўғри тўртбурчакли қонун.

**15.**Маълумотномада соф миснинг чизиқли кенгайиш температуравий коэффициенти-нинг  $20^{\circ}\text{C}$  да мумкин бўлган энг кичик қиймати  $\alpha_{20}(\text{Cu}) = 16,4 \cdot 10^{-6} \text{ }^{\circ}\text{C}^{-1}$ , мумкин бўлган энг катта қиймати-

$16,82 \cdot 10^{-6} \text{ } ^\circ\text{C}^{-1}$ , энг катта эҳтимолий қиймати эса -  $16,66 \cdot 10^{-6} \text{ } ^\circ\text{C}^{-1}$ , бу ҳолда ( $\alpha_{20}$ ):

- а) В тур бўйича аниқланади;;
- б) А тур бўйича аниқланади;
- в)аниқлаш қийин.

16. Катталик иккита катталиктининг йиғиндиси ёки айирмаси бўлса (бу катталиклар қийматларининг эҳтимоллиқ тақсимоти бир хил диапазонли тўғри тўртбурчвкли), унинг эҳтимоллиги:

- а) нормал қонун бўйича тақсимланган;
- б) учбурчак қонун бўйича тақсимланган;
- в)тўғри тўртбурчакли қонун бўйича тақсимланган.. .

17. Ишончлилик даражаси кўрсатилган интервалнинг ярим кенглиги берилган бўлса, унинг эҳтимоллиги;

- а) нормал қонун;
- б)учбурчак қонун;
- в)тўғри тўртбурчакли қонун бўйича тақсимланган.

18. Калибрлаш тўғрисидаги гувоҳномага кўра, номинал қиймати  $10 \Omega$  бўлган  $R_e$  этalon резисторнинг қаршиидиги  $23 \text{ } ^\circ\text{C}$  да  $10,000742 \Omega \pm 129 \mu\Omega$  ва “ $^{103}$  кўрсатилган  $129 \mu\Omega$  ноаниқлиги ишончлилик даражаси 99 фоизли интервални ифодалайди”. Резисторнинг стандарт ноаниқлигини  $k=2,58$  да  $u(R_e)$  каби қабул қилиш мумкин ва бу қиймат:

- а) А тур бўйича;  
 б) В тур бўйича;  
 в) А ва В турлар бўйича аниқланади.

**19.** Иккита кириш катталикларини аниқлашда бир ўлчаш приборининг ўзидан, эталон ўлчов бирликларидан ёки жиддий стандарт ноаниқликка эга бўлган маълумотнома маълумотларидан фойдаланилган бўлса, бу икки кириш катталиклари ўртасида жиддий корреляция бўлиши мумкинми?

- а) ха;  
 б) йўқ;  
 в) юқорида келтирилган омиллар иккита кириш катталиклари ўртасида корреляция учун етарли эмас.

**20.** Кiriш катталиклari ноаниқliklarining xissalari ўrтасида йигинди стандарт ноаниқlikni баҳолашда уларning kovariatsiya si xisobga olinishi kerak. Bu kovariatsiya қuidagi formula bўyicha баҳolanadi:

- а)  $u(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = u(\bar{x}_i) \cdot u(\bar{x}_j) \cdot r(\bar{x}_i, \bar{x}_j), i \neq j;$   
 б)  $r(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = u(\bar{x}_i, \bar{x}_j) / u(\bar{x}_i) \cdot u(\bar{x}_j), i \neq j, |r(\bar{x}_i, \bar{x}_j)| \leq 1$   
 в) kovariatsiya matematik formulalar bilan aniqlanmag'an.

**21.** Korrelyatsiya daражаси korrelyatsiya koэффициенти ёрдамида аниқланади. Баҳolangan korrelyatsiya koэффициенти қuidagi tenglamadan olinadi:

$$u(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = u(\bar{x}_i) \cdot u(\bar{x}_j) \cdot r(\bar{x}_i, \bar{x}_j), i \neq j$$

a)

6)  $r(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = u(\bar{x}_i, \bar{x}_j)/u(\bar{x}_i) \cdot u(\bar{x}_j); \quad i \neq j, \quad |r(\bar{x}_i, \bar{x}_j)| \leq 1.$

в) корреляция математик формулалар билан аниқланмайды.

22 Иккита  $X_i$  ва  $X_j$  катталиклар  $n$  жуфт марта тақорорий кузатилганда уларнинг  $x_i$  ва  $x_j$  ўрта математик қийматларининг ковариацияси қўидаги формула бўйича баҳоланади::

a)

$$u(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = s(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = \frac{1}{n(n-1)} \cdot \sum_{k=1}^n (\bar{x}_{ik} - \bar{x}_i)(\bar{x}_{jk} - \bar{x}_j)$$

;

б) бундай математик формулалар йўқ

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Величко О.Н., Хакимов О.Ш., Латипов В.Б., и др. Прослеживаемость измерений: нормативное обеспечение и основные компоненты – Т., O'zdavmatbuotliti, 2009. 184 с.
2. Походун А.И. Экспериментальные методы исследований погрешности и неопределенности измерений. Уч. пособие. ИТМО, Санкт-Петербург – 109 с.
3. Хакимов О.Ш., Латипов В.Б. Оценка неопределенности измерений. Учебное пособие. Т., НИИСМС, 2008. – 110 с.
4. Государственный стандарт Узбекистана “O'z Dst ISO/IEC 17025:2007 Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий”. Ташкент, НИИСМС, 2007. 30 с.
5. Международная научно-техническая конференция «Метрология и метрологическое обеспечение». г. Минск, 26-27 апреля 2007 года. Тезисы докладов. с. 90-94.
6. Русско-узбекский толковый словарь терминов по линиям связи и системам передачи. Ташкент, ЦНТМИ, 2008. 254 с.
7. Зайдель А.Н. Погрешности измерений физических величин. – Л.: Наука, 1985. – 112 с.

8. Парғиев М.П., Каримова У.Н.  
Электррадио үлчашлари фанидан маърузалар  
матни. Т.: 2003-75 Б.

9. О'зДСнІСО/IEC 17025:2007. Общие  
требования к компетентности испытательных и  
калибровочных лабораторий.

## **“Үлчашлар ноаниқлигини баҳолаш”**

**Ўқув қўлланма**

**Тузувчилар:** к. ўқ. Хайдарбекова М.М.

**доц. Парпиев М.П.**

**к. ўқ. Рахмонова Г.С.**

**ОТЛ ва ЎТ кафедраси мажлисида**

**(03.03.2015 йилдаги 26-сонли баённома).**

**Тасдиқланган ва ТАТУ илмий-методик  
көнгалини томонидан нашрга тавсия этилган  
(28.04.2015 йилдаги 9-сонли баённома)**

Keller